Людьми большой культуры, прекрасными художниками были лучшие ювелиры, чеканщики по меди, вышивальщики золотом, которых также смело можно отнести к творческой интеллигенции. Находясь в постоянном творческом поиске, они создавали высокохудожественные произведения, известные далеко за пределами Средней Азии. Их искусством восхищались посетители выставки в 1870 г. в Петербурге, на которой было выставлено 2 тыс. экспонатов из Средней Азии, получивших 42 премии и 11 бронзовых медалей; всемирной выставки в Париже в 1878 г.; международной выставки в Копенгагене в 1888 г.; всемирной Колумбовой выставки в Чикаго в 1893 г.; художественно-промышленной выставки в Нижнем Новгороде в 1896 г.; всемирной выставки в Париже в 1900 г.; всемирной выставки в Америке в Сан-Луи в 1904 г.; всемирной выставки в Милане в 1906 г.; выставках кустарных изделий в Петербурге, Берлине и Лондоне в 1913, 1914 гг. На многих из них изделия среднеазиатских мастеров получали высшие награды. Так, на художественно-промышленной выставке 1896 г. в Нижнем Новгороде были награждены серебряными медалями Рахматулла Хак Назаров (резное дерево и медночеканные изделия) и Мирза Абдулла Иса Мухаммедов (вышивка шелком по замше и ткани). Бронзовые медали получили Усто Мир Хак Назаров (ювелирные изделия), Иса Мирза Абдулла Мухаммедов (медночеканные изделия) и Таджи Мухаммед Иса Мухаммедов (вышивка)³⁰.

И еще необходимо отметить один момент. Это ошибочность утверждения о том, что ремесленный труд был застывшей формой производства³¹. На самом деле ремесленное производство, основанное на ручном труде, имело свою специфику развития: в нем отмечалась дробная специализация в производстве отдельных товаров и в то же время шел процесс разделения труда между мастерами при изготовлении одной вещи (ткачи только ткали из готовой нити, красильщики только красили нити и т. д.), таким образом, прогресс проявлялся в форме разделения труда.

Все эти группы образованных и полезных обществу специалистов в целом составляли весьма заметный слой общества — «знёли», деятельность которого обеспечивала распространение накопленных знаний, сохранение и приумножение его материальных и духовных богатств.

Сторонники теории неразвитости и отсталости восточного общества одним из аргументов в ее пользу называют его традиционализм³².

²⁹ Ремпель Л. И. Далекое и близкое. С. 134, 216, 217.

³⁰ Чабров Г. Н. Туркестан на всероссийских и всемирных выставках (1867—1914) // Труды САГУ. Вып. 142. Ташкент, 1958. С. 41—59.

³¹ См.: Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару; Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства.

³² См.: Эркаев А. Духовность — энергия независимости. Ташкент, 1998.

Вероятно из-за незнания или нежелания глубже познать суть взаимоотношений внутри этого общества они допускают грубую ошибку. Ведь именно традиционализм, будучи действительно специфической чертой восточного общества, и был той силой, которая сохраняла его достижения в сфере производства и культуры, духовные ценности. Традиционализм был источником преемственности поколений. Благодаря ему продолжали жить архитектура, литература, поэзия, музыка, каллиграфия, орнаменталистика и др., ибо традиционализм никогда не исключал творческого развития содержания в рамках традиционной формы. Причем именно в силу традиции удачно найденное решение обязательно передавалось следующему поколению. Ответ творчества одного творца давал толчок новым свершениям.

Необходимо отметить и другую положительную роль традиционализма, которую он играл в бытовых общественных отношениях жителей города и кишлака — это традиционное общинное объединение городских жителей по месту их жительства в махалли, а в кишлаках — в сельские общины. Оно породило стройную этическую систему, основанную на демократических устоях, которая вносила много положительного в быт своих членов, создав прекрасные законы взаимопомощи, гостеприимства и уважения к старшим.

Являясь членом общины, человек не чувствовал себя одиноким, он знал, что всегда может рассчитывать не только на участие и моральную поддержку, но и на прямую материальную помощь. Причем община сохраняла традиции коллективизма и кооперирования несмотря на то, что она существовала в обстановке не равного имущественного положения. Общинные традиции в значительной мере определяли те требования, которые общество предъявляло к поведению своих членов. «Этим традициям были обязаны народы Средней Азии наличию у них строгого, выработанного веками этикета, регулировавшего взаимоотношения между людьми и наложившего печать хорошо воспитанного человека на каждого жителя Средней Азии»³³.

Традиции общинных отношений в быту горожан, проживавших в махаллах, за многие века превратились в одну из черт национальной культуры народов среднеазиатского региона несмотря ни на какие политические и идеологические давления и препятствия. Глубокое сознание общности интересов людей, живших по соседству друг с другом, их объединение для проведения общественных мероприятий, правило приходить на помощь, делиться пищей, традиционное гостеприимство играли и продолжают играть положительную роль и в наши дни, являясь чертой национальной психологии.

Таким образом тезис, трактующий традиционализм как фактор, сдерживающий развитие восточного общества, также является неверным.

Подводя итог, можно сделать однозначный вывод о том, что называть невежественным общество, в котором велась оживленная торгов-

³³ Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). М., 1976. С. 339.

ля, имелись хорошо организованная система мусульманского образования, прекрасные специалисты в различных областях человеческой деятельности, веками складывавшиеся традиции как в производственной, так и духовно-нравственной сферах, значит идти в разрез с исторической правдой.

Раскрывая еще одну страничку нашей истории, мы, тем самым, возвращаем свою историю и культуру и самим себе, и всему миру. И сегодня это имеет огромное политическое и воспитательное значение. «Осознание глубины и величия культурного и духовного наследия наших великих предков, внесших огромный вклад в достижения мировой культуры,— подчеркивает Президент нашего государства И. А. Каримов,— воспитание в каждом поколении бережного отношения к своему прошлому, благородным национальным и религиозным традициям... — вот конкретная почва, на которой строится наша политика обновления и повышения национального самосознания, политической зрелости и активности населения»³⁴.

³⁴ Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Ташкент, 1995. С. 130.

Д. Зиёева

ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ХХ АСР БОШЛАРИДА ЧОРИЗМНИНГ ТУРКІСТОН МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИЕСАТИ

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни забт этган чор империясини бу ўлканинг моддий бойликлари, ниҳоятда қулай иқлим, жўғрофий жойлашуви, Шарққа дарвоза бўлиб хизмат қилиши, катта имкониятлари ўзига жалб этган эди.

Европа бозорларидаги рақобатга дош беролмаган маҳсулотларни Ўрта Осиё бозорларига чиқариш ва тўқимачилик саноати тараққиёти учун арзон хом ашёни ташиб кетиш, яъни ўз муаммоларини ўзгалар ҳисобидан зўрлик билан осонгина ҳал этиш ништиқчи чоризмнинг йиллаб давом этган ҳарбий юришларидан кўзланган асосий мақсадларидан бири эди. Ниҳоят, узоқ ва кескин жанглار, қирғин-баротлар билан Ўрта Осиёда чоризм ҳукмронлиги ўрнатилди ҳамда бу ердаги катта имкониятлар, моддий ва табий бойликлар метрополия манфаатларига бўйсундирила бошладди. Бу жараён бир қанча босқичларда ва йўналишларда олиб борилди. Энг аввало, босиб олинган шаҳар ва қишлоқлар бойлиги таланди, ташиб кетилди. Кейинги талон-тарож эса мунтазам равишда, узоқни кўзлаган режа асосида амалга оширила бошланди.

Қишлоқ хўжалигида асосий эътибор пахтачиликни ривожлантириш ва уни Россияга ташиб кетилишига қаратилди. «Туркистонни тинч маданий йўл билан бўйсундиришда хазинадан сарф бўлган миллионлар ортиги билан қайтади» деган эди ўша даврда ўлкадаги пахтачилик риво-

жини ўрганганлардан бири Н. Федоров¹. Урта Осиёга киритилган пул маблағлари ўлканинг табиий ва моддий бойликларини ўзлаштиришга сарфланиб, Россияни бу маҳсулотларни хориждан олиб келишдан халос этишини мустамлакачилар яхши билардилар. Шу сабабли улар Туркистоннинг табиий ва моддий бойликларидан ўз эҳтиёжлари учун энг юқори даражада фойдаланиш учун маблағни аямادилар. Энг аввало, бу бойликларни ташиб кетиш учун темир йўл қуришга киришдилар. 80-йиллардаёқ бошланган қурилишлар жадал ривожланиб борди. Темир йўллар битгунга қадар эса моддий бойликлар сув йўли орқали олиб кетилиб турди.

Бу бойликлар, биринчи навбатда, катта миқдордаги пахта, ундан ташқари, ипак, жун, ҳўл ва қуруқ мевалардан иборат бўлиб, фақатгина Тошкент орқали 1865—1875 йилларда улар қуйидаги миқдорда олиб кетилган² (пуд ҳисобида):

	1865 йил	1866 йил	1867 йил	1871 йил	1872 йил	1873 йил	1874 йил
Пахта	1.680	324.136	274.193	1.379.926	867.705	655.294	602.815
Тери	8.356	2.350	6.620	194.000	258.007	247.959	227.655
Қуруқ мева	5.750	86.721	179.656	96.630	154.162	175.216	118.520
Дон	2.647	7.090	7.100	30.000	29.640	106.868	39.159
Жун	165	1.930	13.444	1.103	130.885	4.208	4.604
Ипак	9.109	6.245	15.450	49.488	60.596	82.739	65.192

Бу кўрсаткичлар фақатгина Тошкент орқали Россияга олиб кетилган энг муҳим товарлар миқдорини кўрсатади, холос. Агар масалага вилоятлар миқёсида ёндошилса-чи? Аниқ маълумотларнинг кўрсатишича, биргина Сирдарё вилоятидан Россияга 1909 йил давомида нархи 25 миллион рублга тенг 7.277 минг пуд миқдорида хом ашё ва ярим ишлов берилган маҳсулот олиб чиқиб кетилган³.

Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол бундан кам бўлмаган. Масалан, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон уездларидан Россияга 1894 йил давомида 3.626.387 пуд миқдорида нархи 22.122.035 рубль маҳсулот, 1895 йил давомида эса 3.606.968 пуд миқдорида нархи 25.530.220 рубль бўлган маҳсулот олиб кетилган⁴.

Хўш, агар масалага бутун Туркистон ўлкаси миқёсида ёндошилса-чи? Гарчи бу ҳақда бутун мустамлакачилик даври учун тўлиқ маълумотлар сақланмаган бўлса-да, маълум бир йилларда аниқ маҳсулот ва хом ашё қанча миқдорда олиб кетилганигини кўрсатувчи фактларни келтириш мумкин. Масалан, фақатгина 23 йил — 1889—1912 йиллар давомида Туркистондан Россияга 120 млн. рубль

¹ Федоров М. П. Хлопководство в Средней Азии. СПб., 1898. С. 215.

² УзР МДА. И. 1-фонд, 16-руйхат, 876-ил, 2-парақ.

³ Обзор Сыр-Дарьинской области за 1909 год. Ташкент: Тип. при канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства, 1911. С. 111.

⁴ Ведомость о вывозе товаров из Ферганской области за 1894 и 1895 гг. ЦГА РУз. ф. 19, оп. 1, д. 5298, л. 4.

пархдаги пахта⁵ олиб кетилган. Шу тариқа, чор империяси Туркистон халқининг пешона тери билан яратилган бошқа моддий бойликларини ҳам талон-торож қилди. Ўлкада асрлар давомида ривожланиб, катта даромад манбаи бўлиб келган боғдорчилик, ипакчилик, чорвачилик, қўнчилик, пахтачилик соҳасида етиштирилган юқори сифатли маҳсулотлар сув текинга Россиянинг пойтахти ва йирик шаҳарларига ташиб кетилар эди.

Маълумки, Туркистонда боғдорчилик асрлар давомида ривожланиб келган бўлиб, табиатнинг беназир низоми бўлган мевалар аҳолининг дастурхонини безатибгина қолмай, катта даромад ҳам келтирган. Қулай иқлим шароити, асрлар мобайнида тўпланган тажриба, меҳнат бу ўлкада ҳўл меваларнинг жуда кўп турларидан катта ҳосил олиш имконини берган, ўлкада жуда катта боғлар билан бирга, хонадонларнинг ўртача боғлари ҳам бўлган.

Ўлканинг бу бойлиги ҳам мустамлакачилар эътиборидан четда қолмади. Тез орада Россия сармоядорлари боғдорчиликка ҳам кириб келиб, катта боғ хўжаликларини юрита бошладилар. Масалан, В. Алексеев, Тремле, Плесне, Кручков каби сармоядорларнинг савдо уйлари шулар жумласидандир. Улар бу соҳада жуда катта фойда олиб, мустабид давлат хазинасига ҳам анча-мунча даромад солиғи тўлаб турганлар. Масалан, В. Алексеев фирмасининг 4.000 десятина (1 ботмон — 1 гектарга яқин ер ўлчов бирлиги) боғдорчилик хўжалиги бўлиб, ҳар десятинадан 1.500 рубль, демак, бутун хўжаликлан ҳар йили 6.000.000 рубль соф фойда олган. Тремле эса ҳар десятинадан 2.100 рубль даромад олган⁶. Туркистон ҳўл меваларига Россия, хусусан, унинг пойтахтида ва бошқа йирик шаҳарларида талаб катта бўлган. Масалан, Кручков Москвада жуда катта мева савдоси олиб борган. 1893 йилда ўлкадан 178.778 пуд мева (407.799 рубль ҳисобида) олиб кетилган⁷.

Бундан ташқари, Туркистонда давлат мулки бўлган боғ хўжаликлари ҳам кўп эди. Тошкент ва шаҳар атрофидаги боғдорчиликнинг жуда катта қисми «Туркистон қишлоқ хўжалиги саноати бирлашмаси» қўлида бўлиб, улар 100 десятина (ботмон) ерни қамраб олган ва асосан, Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент станциясига яқин жойда бўлган. Шу атрофда Панин, Вальнев, Асташев, Побелянский, Грибер каби рус сармоядорларининг боғдорчилик хўжаликлари ҳам жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири 40—50 десятинани эгаллаган⁸. Улар Россияга катта миқдорда ҳўл мева жўнатиб, мўмай даромад олганлар. Биргина Тошкент ноҳиясидаги боғдорчилик хўжаликлари 1916 йилга бориб, 25.000—30.000 десятина ерни эгаллаган ва 4.000.000 пуд ҳосил берган. Шундан 1 млн. пуддан ортиғи Россияга жўнатилган⁹.

⁶ Гулишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. Асхабад, 1913. С. 49.

⁷ Оглоблин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. М., 1914. С. 44.

⁸ Всеподанный отчет по Туркестанскому генерал-губернаторству. 1889—1895 гг. СПб., 1895. С. 10.

⁹ Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. СПб., 1908. С. 231.

⁹ УзР МДА. 103-фонд, 1-рўйхат, 222-иш, 26-варақ.

Боғдорчиликда, айниқса, узумчилик ривожланган бўлиб, катта даромад манбаи бўлган.

Узумчиликда Самарқанд вилояти жуда катта ўрин эгаллаган. Сердаромад узумчилик ҳам рус сармоядорлари ва амалдорлари эътиборидан четда қолмади. Тошкентдаги узумзорлардан 45 десятинаси маслаҳатчи Ивановга, 25,5 десятинаси Первушинга тегишли бўлган¹⁰. 1913 йилдаги ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Туркистонда 125.000 узумзор бўлиб, улар 25.000 десятинани эгаллаган ва йилига 6.000.000 пуд узум берган¹¹. Узумчилик ва умуман, боғдорчилик маҳсулотлари катта миқдорда темир йўллар орқали Россия бозорларига олиб кетилган. Масалан, 1894 йилда биргина Самарқанд вилоятидан 252.979 пуд узум темир йўл орқали, 150.000 пуд узум карвон йўли билан олиб кетилган¹².

Дастлабки йилларда мевалар кўпроқ қурилган ҳолда ташилган, кейинчалик эса, темир йўлларда салқин омборхоналар, музлатилган вагонлар пайдо бўлгач, меваларни янги узилган ҳолда олиб кетила бошланган. Туркистондан Россияга катта ҳажмда мева олиб кетишда В. Алексеев жамияти биринчи ўринда турган. Қуруқ мевалардан майиз, ёнғоқ писта, ерёнғоқ катта миқдорда олиб кетилган. Бир йил давомида бир неча ўнлаб вагонларда ташилган бу маҳсулотларга Россияда талаб жуда катта бўлган. Масалан, 1893 йилда ўлкадан 178.778 пуд қуруқ мева олиб кетилган.

Ўлкадан Россияга олиб кетилган қуруқ ва ҳўл мевалар ҳажми қуйидаги рақамларда янада аниқ намоён бўлади¹³ (минг пуд ҳисобида):

Катта тезлик/ кичик тезлик		1902 йил	1903 йил	1904 йил	1905 йил
Олма	кич/с	3.595	3.578	3.126	3.193
	кат/с	2.383	1.971	1.971	2.221
Узум		2.779	2.975	2.833	2.089
Олхўри		1.501	1.626	1.159	1.404
Қуруқ мева		941	1.267	1.327	1.039
	кич/с	18	14	12	12
Урик	кат/с	312	403	334	442
	кич/с	1.782	1.719	1.686	1.678
Ёнғоқ	кат/с	28	14	27	20
	кич/с	249	321	229	258
Апельсин,	кат/с	1.888	1.878	1.785	1.687
мандарин	кич/с	104	97	124	117
Ерёнғоқ ва	кат/с	2	2	1	0,6
хандон писта	кич/с	20	24	21	54
Узум	кат/с	400	475	366	553
	кич/с	36	53	57	38
Нок	кат/с	341	527	397	529

¹⁰ Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С. 231.

¹¹ Гулишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. С. 54.

¹² ЎЗР МДА. 719-фонд, 1-руйхат, 10-нш, 791-варақ.

¹³ Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана. М., 1910. С. 10.

Қуритилган мевалардан, айниқса, қора майиз кўп олиб кетилгани қуйида аниқ намоён бўлади:

1906 йилда	1.109 минг пуд ¹⁴
1907 йилда	1.708 минг пуд
1909 йилда	1.950 минг пуд
1911 йилда	2.246 минг пуд
1912 йилда	2.519 минг пуд ¹⁵

Қуруқ мевалардан шифобахш қора олхўри ҳам олиб кетилган. Масалан, 1907 йилда 10.915 тонна олхўри олиб кетилган. Қуритилган мева, айниқса, майиз тайёрлашда Самарқанд вилояти муҳим ўрин тутган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳўл мевалар Россия бозорларида уни савдоси билан шугулланган сармоядорларга катта даромад келтирган. Ўз навбатида улардан олинган солиқ ва божлар мустабид давлат хазинасини бойитган. Россия бозорларида уларга талаб жуда катта бўлган.

Туркистонда хандон pista, ёнғоқ каби қуруқ мевалар унадиган ўрмонларнинг бари мустабид давлат хазинаси ихтиёрига тортиб олинган бўлиб, улардан ҳам катта даромад олинган. Бу мевалар ҳосили етишганда одам ёллаб, териб олинган ва Россия бозорларига олиб кетилган. Масалан, фақатгина 1907 йилда 118.099 пуд ёнғоқ ва pista олиб кетилган¹⁶.

Туркистондаги давлат хазинасига тегишли деб эълон қилинган ўрмонлардан мустабид давлат олган даромади қуйидагича бўлган¹⁷:

	1903 йил	1904 йил	1905 йил
Фарғона вилояти	44.000 р	73.000 р	112.000 р
Сирдарё вилояти	40.000 р	83.000 р	51.000 р
Самарқанд	30.000 р	49.000 р	44.000 р
Жами	114.000 р	205.000 р	207.000 р
	1906 йил	1907 йил	1908 йил
Фарғона вилояти	83.000 р	85.000 р	136.000 р
Сирдарё вилояти	79.000 р	99.000 р	228.000 р
Самарқанд	37.000 р	33.000 р	45.000 р
Жами	199.000 р	217.000 р	409.000 р

Демак, фақатгина 6 йил давомида мустабид давлат хазинаси Туркистоннинг ўрмонларидан умумий ҳисобда 1.351.000 рубль даромад олган. Туркистон бойликларидан мустабид давлат ҳеч бир режасиз фойдаланган ва фақатгина даромадини кўзлаган.

¹⁴ Там же. С. 23.

¹⁵ Гулишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. С. 43.

¹⁶ Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана. С. 26.

¹⁷ УзР МДА. 1-фонд, 12-руҳхат, 1725-иш, 148-варақ.

Урмон ёғочлари ва саксовулзорлардан темир йўл ҳамда турмуш эҳтиёжлари учун ёқилғи сифатида кенг фойдаланиш натижасида жуда катта ҳудудлар очiq қолиб, чўллардан келадиган шамоллардан, қумлардан ҳимоя қилувчи қатламлар камайиб борган. Натижада, чўллар билан суғориладиган, ишлов бериладиган ерлар орасидаги масофа тобора яқинлашиб, экологик мувозанат бузилиб борган. Мустабид ҳукумат эса бунинг олдини олиш чораларини кўрмаган.

Богдорчилик маҳсулотларидан узум нафақат ҳўл ва қуритилган ҳолда, балки вино тайёрлашда ҳам катта даромад келтирган. Туркистонда виночилик XIX асрнинг 80-йиллари ўртасида йўлга қўйилган. Виночиликда биринчи ўринни Самарқанд, кейинги ўринларда Тошкент, Каттақўрғон, Қўқон, Марғилон эгаллаган. Виночилик билан Россиядан келган сармоядорлар шуғулланишган. Самарқандда энг йирик виночи Филатов бўлиб, унинг қўл остида бир кунда 10.000—15.000 челақ вино (1 челақ 10 л бўлса, демак 100.000—150.000 л вино тайёрланган), бундан ташқари Пороховский виночилигида кунига 6.000 челақ (демак 60.000 л), Толочинов қўл остида эса кунига 4.000 челақ (демак, 40.000 л) вино тайёрланган. Тошкентда виночилик билан Платон-Шевченко, Н. И. Первушин, Н. И. Иванов меросхўрлари, Тошкент уездида эса Я. Я. Иванов, И. Барсуков, И. Белоковлар шуғулланганлар. Уларнинг ҳар бири бир кунда ўртача 10.000 (100.000 л) челақ атрофида вино тайёрлашган¹⁸. Вино тайёрлашда узумнинг маҳаллий турларидан чарос, буваки, қора кишимши кенг қўлланилган. Винонинг нархи ўлкада анча баланд бўлган. Вино маҳаллий истеъмолдан ташқари Россия бозорларида ҳам яхши даромад берган. Масалан, 1894 йилда ўлкадан 27.000 челақ вино (273.000 рубль нархида) олиб кетилган. Бу рақамлар йил сайин ўсиб борган.

Туркистоннинг муҳим аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларидан бўлган чорвачилик ҳам мустамлакачилик даврида ўз эгаларига тўлиқ хизмат қила олмади. Туркистонликларнинг насбасини қирқиб, ўз сармояларини кўпайтиришга уринган Россия сармоядорлари мустабид ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланарди. Чунки бу билан энг аввало Россиянинг ички муаммолари — бозорларни гўшт билан, саноат ишлаб чиқаришини жун, тери билан арзон нархда таъминлаш масаласи ҳал бўларди. Бундан ташқари улардан тушган даромад солиғи ва бож тўловлари давлат хазинасини бойитарди. Туркистондан Россияга 1889 йилда 5.379 дона қорамол териси ва 16.569 пуд чорва маҳсулотлари олиб кетилган бўлса, 1893 йилда 148.141 пуд мол маҳсулоти олиб кетилган.

Чорванинг гўштидан тортиб, териси, жуни, ҳатто ичак-чавоғигача талаб катта бўлган. Чорва гўшти аввалига тузланган ҳолда Москва, Владивосток, Сибирга олиб кетилган, бироқ кейинчалик салқинлаштирилган вагонларда янги қўй гўштини олиб кетиш йўлга қўйилган. 1913 йилда Алоқа йўллари Вазирлигининг Россия Думасига «Темир йўллари музлатувчи ускуна билан жиҳозлаш» ҳақида ташкирланган

¹⁸ Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. СПб., 1908. С. 288—290.

қонун лойиҳасида Туркистондан ҳар йили 1.400.000 пуд янги қўй гўшти олиб кетиш лойиҳалаштирилган¹⁹. Гўшт маҳсулотлари Москвага, Санкт-Петербургга, умуман Россиянинг саноат ривожланган қисмига олиб кетилган. Россияга мол ва мол маҳсулотларининг олиб кетилиши, айниқса. Биринчи Жаҳон уруши йилларида авжга чиққан. Фронтда от, чорва гўштига талаб катта бўлган.

Уруш бошланиши билан 1914 йилда Туркистондан Россияга чорва маҳсулотлари қуйидаги миқдорда олиб кетилган:

тирик мол	—	267.576 пуд
жун	—	1.140.350 пуд
тери	—	283.198 пуд
қўй териси	—	548.806 пуд
қорақўл	—	22.654 пуд ²⁰

Туркистондан Россияга жуда катта миқдорда жун ҳам олиб кетилган. Бу маҳсулот Россияга йил сайин қанча миқдорда ташиб кетилгани қуйидаги жадвалда намоён бўлади:

1902 йилда	—	105.680 пуд жун ²¹
1910 йилда	—	563.000 пуд жун ²²
1914 йилда	—	1.140.350 пуд жун ²³
1914—1916 йилларда	—	2.925.000 пуд жун ^{24—25}

Россия бозорларида Бухорода етиштирилган қорақўл ниҳоятда юқори баҳоланиб, жаҳон бозорида ундан катта фойда олишган. Бухорода қорақўл етиштириш йил сайин кенгайиб, 1 йилда 2—3 млн дона тери олишга эришилган. Бухоро қорақўли Нижний город ва Москва бозорларида катта шуҳрат қозонган. Шу боис, фақатгина 1914 йилда Ўрта Осиёдан Россияга 22.654 пуд қорақўл териси олиб кетилган.

Россиянинг Туркистондан ташиб кетган кўнчилик, тери маҳсулотлари ҳам метрополини бозори саноатини арзон хом ашё билан таъминларди. Нафақат қорақўл, балки от, мол, қўй, бўрсик терилари ҳам олиб кетиларди, тери ва теридан қилинган маҳсулотлар Россияга қандай ҳажмда олиб кетилгани қуйидаги жадвалдан намоён бўлади:

1865 йил	8.356 пуд	1873 йил	247.959 пуд
1866 йил	2.350 пуд	1874 йил	227.655 пуд
1867 йил	6.620 пуд	1904 йил	28.388 пуд
1871 йил	194.000 пуд	1914 йил	885.920 пуд
1872 йил	258.007 пуд		

¹⁹ Оглоблин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. М., 1914. С. 47.

²⁰ Статистический ежегодник Туркестанской Республики (1917—1923). Ташкент, 1924. С. 268—269.

²¹ Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С. 231.

²² Гулишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. С. 54, 63.

²³ Статистический ежегодник Туркестанской Республики (1917—1923). С. 268—269.

^{24—25} Красный архив. 1929, № 37, С. 54.

Ипакчилик Туркистонда жуда кўп асрлар давомида ривожланиб келган. Россия сармоядорлари бу сердаромад соҳага катта қизиқиш билан қараганлар. Ипак ва ипак толасига нафақат Россия, балки Европа бозорларида ҳам талаб катта бўлиб, Туркистон ипаги сифат жиҳатидан рақобатбардош эди. Қулай иқлим шароити, тутзорларнинг кўплиги, аҳолининг кўп йиллик тажрибаси ва бу машғулот билан ҳар бир хонадонда мавсумий иш сифатида, айниқса, аёлларнинг донмий суръатда шуғулланиши ипакчиликни ривожлантиришга катта имкон берар эди.

Туркистонда ипакчиликни ривожлантириш ва уни метрополия манфаатларига тўла хизмат қилдириш мақсадини ўз олдига қўйган мустабид ҳукумат бу соҳага алоҳида эътибор қаратди. XIX асрнинг 60—70-йилларида Туркистонга жўнатилган Н. О. Петровскийнинг Россия Молия Вазирига ёзган ҳисоботида таъкидлашича, Молия Вазирлиги уни Туркистондаги ўз жосуси қилиб тайинлагач, Н. О. Петровский зиммасига «бир қанча мажбуриятлар билан бирга ўлканинг иқтисодий аҳволини ўрганиш ва, айниқса, келажақда рус саноати ва савдоси учун муҳим аҳамият касб этувчи маҳаллий ипакчиликка алоҳида эътибор қаратиш вазифасини юклаган»²⁶. Н. О. Петровский Туркистондаги ипакчиликнинг аҳволи, ишлаб чиқариш усуллари, муаммолари ва ривожланишини ўрганиб чиқиб, бу ҳақда Молия Вазирига батафсил ҳисобот ёзиб жўнатган.

Айниқса, темир йўллар қурилгач, бу соҳага русларнинг кириб келиши кучайди, чунки ипак маҳсулотларини ташиб кетиш учун қулай шароит туғилди. Шарқ ва Ғарб бозорларига донғи кетган юқори сифатли тола ва ипак матолар XIX аср охирида Туркистондан қанча миқдорда ташиб кетилгани ҳақида қуйидаги маълумотлар сақланган:

1865 йилда 9.109 пуд ипак маҳсулотлари

1867 йилда 20.829 пуд ипак, 15.450 пуд ипак маҳсулотлари

1871 йилда 531.818 пуд ипак, 49.448 пуд ипак маҳсулотлари

1872 йилда 770.643 пуд ипак, 60.956 пуд ипак маҳсулотлари

1874 йилда 233.493 пуд ипак, 65.192 пуд ипак маҳсулотлари

1889 йилда 7.619 пуд ипак ва ипак маҳсулотлари

Мазкур жадвалдан кўринадики, XIX асрнинг 80-йилларида ипакчилик соҳасида таназзул содир бўлиб, бу ҳол ипак қурти касаллиги авж олгани билан изоҳланади. Лекин 90-йиллардан бошлаб, бу касалликка барҳам берилади ва ипакчилик яна ўз мавқеини тиклай бошлайди.

Туркистонда ипакчиликнинг йил сайин ривожланиб борганлигини Фарғона вилоятига тегишли кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Вилоятда XIX аср охири XX аср бошида ипак тайёрлаш ҳажми қуйидаги кўринишда ортиб борган²⁷:

²⁶ О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии. Отчет Министерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве Н. О. Петровского. Ташкент, 1873. С. 1.

²⁷ УзР МДА И, 1-фонд, 12-руйхат, 1725-иш., 148-варақ.

1890 йил	1899 йил	1900 йил	1904 йил	1905 йил	1907 йил
40.000 пуд	58.000 пуд	80.000 пуд	156.000 пуд	140.000 пуд	180.000 пуд

Демак, 1890 йилда Фарғонада 40.000 пуд ипак тола тайёрланган бўлса²⁸, 1907 йилга келиб, унинг ҳажми 4,5 марта кўпайган. Чунки бу сердаромад соҳага қизиқиш, эътибор йил сайин кучайиб борган.

Чунончи, XX аср бошига келиб, Туркистонда ипакчилик пунктлари ташкил этила бошланган. Жами 583 та ипакчилик пунктлари бўлиб, улардан 84 таси Сирдарё вилоятида, 157 таси Самарқанд вилоятида, 304 таси Фарғона вилоятида жойлашган эди. Ипак толалари фирмалар томонидан сотиб олинар ва Россияга олиб кетиларди. Масалан, 1900 йилда Туркистондан фирмалар орқали 60.000 пуд тола олиб кетилган. Биргина Фарғона вилоятида шундай фирмалардан 3 таси фаолият юргизар, улардан энг кўп ипак сотиб оладигани Туманьяни фирмаси эди²⁹. Фирмалар орқали 1904 йилда Фарғона вилоятидан 84.246 пуд ипак олиб кетилган³⁰.

Россияга Бухородан ҳам катта миқдорда ипак олиб кетилган. Масалан, 1868—1869 йиллардаёқ Бухородан Россияга 5.038 пуд, яъни 1.008.000 рубль нархда ипак олиб кетилган³¹.

Россияга нафақат хом ашё ва маҳсулотлар, балки хом ашёнинг дастлабки ишлов берилган маҳсулотлари ва ҳатто чиқиндиларини ҳам узлуксиз суръатда олиб кетиб турилган. Масалан, кунжара, чигит-каби маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Биргина Фарғона вилоятидан кунжара қуйидаги миқдорда Россияга арзимас нархда олиб кетилган:

1906 й.	669.343 пуд	1909 й.	1.758.407 пуд
1907 й.	1.319.902 пуд	1910 й.	1.971.917 пуд
1908 й.	1.032.924 пуд	1911 й.	1.336.528 пуд

Туркистондаги шулха ва кунжаранинг озукалиги ва тўйимлилиги жуда юқори бўлиб, (азот 7%, фосфор кислота 3%, оксил 44%, ёғ 14%) унга хорижда, хусусан, Германияда ҳам эҳтиёж катта эди. Бироқ Туркистон ўз маҳсулотларидан жаҳон бозорида катта даромад олиш мумкин бўлган ҳолда, улар арзимаган нархда Россияга олиб кетиларди.

Жаҳон бозорида Туркистонда тайёрланган пахта ёғига ҳам эҳтиёж катта эди. Россия сармоядорлари уни арзон нархда Туркистондан ташиб кетиб, юқори баҳода ўз бозорларида Европага пуллар ҳамда катта фойда ундирарди.

Шу туфайли ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳасида ҳам Туркистонда мустамлакачилар ҳукмрон бўлиб, жуда катта даромад олганлар. Илк мой-ёғ заводи XX аср бошидаёқ К. М. Соловьев томонидан Наманган уездида қурилиб, ишга туширилган. 1904 йилдан Фарғона вилоятида қатор ёғ заводлари қурила бошланди. 1910 йилда қурил-

²⁸ Материалы по вопросу о торговых путях в Средней Азии. Спб., 1869. С. 10.

²⁹ Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана. С. 9.

³⁰ Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Маргелан, 1905. С. 31.

³¹ О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. С. 8.

ган Вадьялевлар заводи АҚШнинг энг сўнгги ёғ чиқариш техникаси билан жиҳозланган. Заводда 250 иш кунда 12 млн. пуд чигитдан 1.800.000 пуд пахта ёғи, 4 млн. кунжара, 6 млн. шулха, 150.000 литр мой олинган³².

Туркистонда тайёрланган пахта ёғининг 25% гина маҳаллий эҳтиёжларга сарфланар, қолгани эса Россияга олиб кетиларди.

Қўқон биржа комитети маълумотларига кўра 1901—1911 йилларда Туркистондан Россияга пахта ёғи қуйидаги миқдорда олиб кетилган:

1901 йил	30.800 пуд
1902 йил	66.300 пуд
1903 йил	73.800 пуд
1904 йил	167.700 пуд
1905 йил	387.958 пуд
1906 йил	556.878 пуд
1907 йил	525.685 пуд
1908 йил	569.733 пуд
1909 йил	1.102.876 пуд
1910 йил	1.575.980 пуд
1911 йил	1.772.186 пуд

Демак, ўн йил давомида Туркистондан ёғ олиб кетиш ҳажми 57,5 марта ортган. 1914 йилга келиб ўлкадан Россияга олиб кетилган ёғ-мой ҳажми 3.000.000 пудга етган.

Юқорида Туркистондан олиб кетилган моддий ва табиий бойликларнинг асосий турлари кўрсатиб ўтилди, холос. Улардан ташқари ҳар йили арзон нархда катта миқдорда ёввойи ва доривор ўсимликлар, ош тузи, алебастр, гипс каби тоғ жинслари, рўзғор буюмлари, мато, гилам ва бошқа маҳсулотлар ташиб кетилар, улардан Россия ва жаҳон бозорларида, рус саноатида жуда катта даромад олинарди. Лекин бу даромад мустамлакачи йирик мулкдорлар, амалдорлар, савдогарлар, сармоядорлар чўнтагини бойитарди, улар Туркистондаги даромадли тармоқлар ва соҳаларни аллақачон эгаллаб олиб, ўлканинг бутун бойлигини зулукдек сўрардилар. Айни пайтда мустабид давлат улардан катта миқдорда даромад солиғи, бож тўловлари ундириб, ўз хазинасини бойитарди. Оддий халқ эса улар қўлида энг қора ишларни бажарар, бироқ пешона териси, оғир меҳнати билан яратилган ноз-неъматлар, моддий бойликлар ҳузурини кўра олмай, оғир турмуш кечирар, арзимаган иш ҳақи олиб, солиқлар, мажбуриятлар ва тўловлардан қарзга ботиб ётарди.

Чоризмнинг Туркистондан олган даромадлари йил сайин қандай ўсиб боргани қуйидаги маълумотлардан маълум бўлади³³:

1868 йил	1.484.677 рубль	1871 йил	1.822.102 рубль
1869 йил	2.187.396 рубль	1872 йил	1.879.966 рубль
1870 йил	1.864.312 рубль	1873 йил	2.616.410 рубль

³² Оглоблин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. С. 34.

³³ Герентьев М. А. История завоевания Средней Азии. Т. III. Спб., 1906. С. 293.

1874 йил	2.727.430 рубль	1877 йил	3.495.481 рубль
1875 йил	2.736.354 рубль	1878 йил	3.822.297 рубль
1876 йил	3.733.696 рубль	1879 йил	4.053.270 рубль

Кўриниб турибдики, мустабид давлатнинг Туркистондан олган даромади 1868—1879 йилларда деярли 3 баробар ортган ва 12 йил давомида олган жами даромад 32.413.291 рублни ташкил этган.

Аммо генерал-губернатор Кауфман келтирган бу даромадлар жадвалига Самарқанд, Фарғона вилоятларидан олинган даромадлар тўла киритилмаган.

Махфий маслаҳатчи Гирсининг ревизия ҳисоботида кўра Россиянинг Туркистондан 1880—1881 йилларда, яъни 2 йилни ўзида олган даромади 12.473.665 рубль бўлган. 1868—1879 йилларда эса генерал-губернатор Кауфман кўрсатганидек, 32.413.291 рубль эмас, балки ундан 10 млн. рубль ортиқ, аниқроғи 42.241.101 рубль бўлган. Маслаҳатчи Гирс таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, Самарқанд, Фарғона тўлиқ босиб олинган, империянинг даромадлари кескин ортган. Қайд этилган рақамлар бевосита давлат хазинасига тушган.

Бу хазинага тушган даромадлар ҳисоби, холос. Ваҳолонки Урта Осиёни босиб олиш жараёнида рус қўшинлари ўлжага олган ва талаган бойликлар ҳисоби улардан бир неча баробар ортиқ бўлган ва бу жадвалларда қайд этилмаган. Чунончи, Бухоро амиридан 500.000 сўм товон, Хива хонидан 450.000 сўм товон ундирилган. Хива хонига умумий ҳисобда 2.000.000 сўм товон юкланиб, 20 йил давомида тўлаш мажбурияти юкланган. Хива хони саройидаги хонлик хазинаси бутунлай ташиб кетилган. Кўқон хони саройини талаганлар, Андижондан 33.000 сўм товон ундирган. Пўлатхоннинг Урдасидаги хазинаси, мол-мулки ўлжа олинган. Марғилон беклигига 125.000 тилла (500.000 сўм) товон солинган. Қанча юз минг қора мол, қўй, туя, тўп-лар, қуроллар ўлжа олинган.

Бу ўлжалар ва пуллар ҳисоби Гирсининг жадвалига киритилмаган. Давлат хазинасининг даромади асосан халқдан олинган тўловлар, бож, солиқлар ҳисобидан бўлганини қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди:

Закот	1.854.682 р. (Фарғонадан ташқари)
Утов солиғи	8.278.845 р.
Ер солиғи	2.651.044 р.
Жон солиғи	53.417 р.
Савдо солиғи	3.406.310 р.

Чор ҳукуматининг Туркистон аҳолисидан олган солиқлари 1913 йилда 23 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1916 йилда 33,3 млн. сўмга етган.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Империя хазинасига бевосита бошқа манбалардан келган барча фойда, даромадлар бу ҳисоб-китобларда тўла аке этмаган. Бу ҳисоб-китобларга Россиядаги сармоядорлар, савдогарлар, амалдорлар турли йўللار билан ўзлаштирган барча моддий, табиий бойликлар ҳам киритилмаган.

Бироқ, империянинг Туркистондан олган сув текин даромадларининг ҳисоби аниқланиб, рақамлар катталашган сари мутлақо ҳақли ва асосли савол пайдо бўлади. Хўш, агар бу даромад, маблағ ва фойдалар Туркистон халқининг меҳнатдан, оғир турмуш, зулм, ҳуқуқсизлик, хўрлик, қашшоқликдан эзилиб, тинка-мадори қуриган ота-боболаримиз, аждодларимизнинг ўз моддий маънавий турмуш эҳтиёжларига сарфланганида халқимизнинг ҳаёти қай даражада илгарिलाб кетган бўларди? Агар бу маблағлар жадид тараққийпарварларининг миллат манфаатлари ва истиқболи ҳақидаги ғояларини, орзу ва аниқ режаларини амалга оширишга, халқни илм-маърифатига сарфланганда-чи?

Бу маблағларга қанчадан-қанча илм масканлари, иншоотлар қуриш, юртин ободонлаштириш, аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам бериш, фан, маориф, бошаниятни ривожлантириш, халқ тараққиётига, моддий фаровонлик, ободончиликка эришиш мумкин. эди. Бу маблағлар халқнинг ниҳоятда оғир меҳнати ҳисобидан яратилган бўлиб, улар мустамлакачилар, инсофсиз муштурмўрларга, адолатсиз ҳукмдор саройига ва унинг атрофидаги зўравон амалдорлар чўнтагига, ўзга давлат хазинасига тушди. Бу текин маблағлардан қутурган текнихўрлар эса халқнинг қолган бойлигини, кучини ҳам сўриб олиш учун, уни янада кўпроқ эзишга, туқинлик кишанларини қаттиқроқ тортишга, жаҳолат ботқоғида сақлашга интилди, бунга қарши бош кўтарганларни шавқатсиз қиргин қилди.

Мустамлакачилар қаноатланишни истамасдилар. Улар Туркистонга гўё «ўзлари учун яратилган битмас-туганмас бойлик манбаи», унинг халқига эса «шу бойликни уларга етказиб берувчи итоаткор қул» сифатида қарардилар.

Бу муносабат мустамлакачиларнинг руҳига, қонига, онгига шу қадар сингиб кетган эдики, улар бу қабиҳ ниятларини яширишни ҳам лозим топмасдилар, аксинча, бу «эгаллик»ни янада мустаҳкамлаш, кучайтириш, қўлдан бермай, «оқилона давом эттириш, империя ва унинг хазинасида даромадларини янада ошириш» ҳақида ўйлар эдилар.

Улар ҳаттоки ҳеч бир андишасиз, хижолатга бормай, Туркистонга «ўз қонуний мулки»дек қараб, унинг бойликларини ҳисоб-китоб қилиш юзасидан тадқиқотлар олиб бордилар. Ана шундай тадқиқотлардан бири А. Стеткевичнинг «Туркистон Россия учун зарарлими?» («Убыточен ли Туркестан для России?») номли тадқиқоти бўлиб, Россиянинг Туркистондаги даромадлари ҳақида юқорида қайд этилган айрим маълумотлар айнан шу тадқиқотдан берилган. Лекин унда келтирилган асосли далиллар Туркистонни «оқлаш ёки ҳимоя қилиш» эмас, балки ўлканинг «катта даромад манбаи эканлиги»ни, ундан келажакда «янада оқилона фойдаланиш лозимлиги»ни исботлашга қаратилган эди.

Айнан шунини аниқ фактлар билан исботлаб бериш мақсадида ёзилган А. Стеткевичнинг тадқиқоти ошкора чоп этилиб, рус жамоатчилиги орасида тарқатилган. Туркистондан чор империяси олган да-

ромадларни имкон қадар ҳисоблаб чиқиб, унинг «зарарли эмас»лигини исботлаб берган муаллиф тадқиқот якунида келажакда «бу даромадларни янада кўпайтириш учун ниҳоятда «бой салоҳиятли ўлкага энг қисқа темир йўлни тезроқ олиб келиш ва уни марказ билан боғлаш, ирригацияни ривожлантириб, маҳсулдор ерларни кўпайтириш, рус мустамлакачилигини мустаҳкамлаш, маҳаллий саноатни жонлантиришга ҳомийлик қилиш, арзон кредитлар беришни» тавсия этган.

Бу тадбирлар чор империясининг Туркистонда олиб борган сиёсатида изчил амалга ошириб борилди. Бу сиёсат кейинчалик шўро даврида ҳам давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз миллий бойликларининг талон-тарож қилинишига чек қўйди, моддий, маданий ва маънавий бойликларни ўз эгасига қайтарди. Улардан ватан ва халқ манфаатлари равиқи йўлида фойдаланиш имкони, ҳуқуқи ва кафолати таъминланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар миллий бойликлардан, миллий даромаддан оқилона фойдаланиш самарасидир.

Д. Н. Аберқулов

ТУРКИСТОНДА ДЕҲҚОНЛАР ВА ИСТИҚЛОЛЧИЛАР ҲАРАКАТИ

Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йилларда миллий мустақиллик ва озодлик учун бўлган аксилшўровий қаршилик ҳаракатида ўзбек деҳқонларининг роли ва ўрни тарихимиз саҳифаларида кам ёритилган мавзудир. Шўро тарихчиларининг «хизмати» туфайли бу давр воқеалари бузиб кўрсатилди. Истиқлолчилик ҳаракати гўё тарих ғилдирагини ортига айлантириб юборадиган феодал-диний ва буржуа-миллатчилик кучларини жамлаган, халққа қарши қаратилган ҳаракат деб ўқтирилди. Шўро тарихшунослигида «босмачиларнинг қонли ҳаракати» деҳқонлар ҳаётига жуда огир таъсир этди, қишлоқ аҳлининг «зулмат, нодонлик ва қашшоқликдан ёруғлик, билимлар ва гуллаб-яшнашга» эришиши жараёнини тўхтатиб қўйди деган даъволар масъулиятсиз равишда таъкидланди.

Аслида эса воқеалар ўзгача кечмоқда эди. Большевойлар якка-ҳокимлигидан қутулиш йўлидаги мустақиллик ва озодлик ҳаракати кенг халқ оммаси, биринчи галда деҳқонларнинг ижтимоий норозилигини ўзида намён этди. Шунинг айтиш кераки, бутун «Совет даври» мобайнида расмий мафкура «Улуғ Октябрь»нинг Ўрта Осиёдаги қишлоқ аҳлига сиёсий таъсирини баҳолашда «меҳнаткаш деҳқонлар»ни тадбиркор, «феодал-бойлар»га қарама-қарши қўйиш ақидасидан келиб чиқди. Октябрнинг тарихий «ғалабаси» сифатида қишлоқларда «Қўшчи» иттифоқи каби илғор синфий ташкилотларни барпо этиш, деҳқонларни коммунистик партия сафларига жалб қилиш, «реакцион» диний эътиқодларни «ғолибона коммунистик таълимот»га алмаштириш кабилар кўрсатилди. Кенг деҳқонлар оммасининг қаршилик ҳа-

ракатидаги иштироки эса уларнинг нодонлиги ва қолоқлиги деб тарғиб қилинди.

Чинакам миллий мустақилликнинг йўқлиги, большевойлар томонидан улуғ давлатчилик сиёсатининг давом этиши оддий кишиларда, шу жумладан, кенг деҳқонлар оммасида миллий ҳис-туйғуларни кучайтириб юборди. Большевойларнинг ижтимоий-иқтисодий тадбирларида деҳқонларга нисбатан қонунсизлик ва ўзбошимчалик хатти-ҳаракатлари ифодаланди. Янги ҳокимият фақат ҳарбий кучга таяниб, очикдан-очик мажбурлаш усулларини қўллади. «Марказ»дан қанчалик узоқда бўлса, шунчалик қўпол зўравонлик турфа шакллarga эга бўла борди. Шўро ҳокимияти вакилларининг жойлардаги хатти-ҳаракати аҳолининг барча қатламлари орасида норозилик уйғотди¹. Бун ҳатто «ленинча гвардия» арбоби Ф. Голошекин ҳам тан олишга мажбур бўлди. У 1919 йилда Туркистоннинг бир қатор вилоятлари, жумладан, Фарғона водийсига назорат ишлари билан борганида халқнинг аҳоли ўта тушқунлигини таъкидлаган: «Бунинг сабаби, — деб ҳисоблайди у, — жавобгар органларнинг жинояткорона сиёсатидир. Шўро ҳокимияти байроғи остида ёппасига ўзбошимчалик ва ўз мавқеидан шахсий манфаатларда фойдаланиш ҳукм сурган. Мусулмонлар оммасига ишончсизлик, уларга қуйи ирқ сифатида қараш умумий ёқтирмаслик билан чатишиб кетиб, умуман юқори даражада кескин вазиятни яратган ва мусулмон оммаси норозилигини туғдирган»².

Ҳукмрон партия ва шўро ҳокимиятининг зўравонлик сиёсати аҳолининг кенг қатламлари шу жумладан, тadbirkor деҳқонлар ва барча «ўрта ҳоллар»дан ихлосини қайтарди. Бу, айниқса, деҳқонлар иродасига қарши озиқ-овқат диктатураси ўрнатилгандан сўнг кучайиб кетди³.

Озиқ-овқат развёрсткаси бўйича асосланмаган топшириқлар деҳқонлар елкасига оғир юк бўлиб тушди. Бунинг устига, маҳаллий ҳукумат органлари «ғайрати жўшиб» бу топшириқларни анча ошириб бажаришарди. Масалан, 1920 йилда озиқ-овқат органлари маҳаллий раҳбарлар розилиги билан Фарғона водийсидан режада кўзда тутилганидан икки баробар кўп маҳсулот олиб чиқиб кетган⁴.

Айниқса, Қизил қўшин таъминоти учун қишлоқларда деҳқонлардан озиқ-овқат, қорамол, отлар зўрлик билан тортиб олиниб, бу ҳақда ҳеч қандай ҳужжат ёки пул берилмаслиги ҳоллари, вазиятга ёмон таъсир этди. Бу «қонуний» талончилик Туркистон Республикасининг VIII съездида қишлоқдан сайланган делегат Низомбоевнинг: «Қизил гвардия тартиб ўрнатиш ўрнига аҳолини таламоқда ва зўравонлик қилмоқда» деган сўзларида ёрқин ифодаланган.

Мусодара этиш, талончиликлар мисли кўрилмаган очлик ва қашшоқликни юзага келтирди. 1918 йили 400 мингга яқин деҳқон ишсиз қолди. Собиқ деҳқонлар мулксиз пролетар оммасига айланди, улар

¹ Известия ЦИК. Туркесепублики. 1919, 9 декабрь.

² ЎзР МДА. 17-фонд, 45-рўйхат, 365-иш.

³ ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 858-иш, 127-варақ.

⁴ Ўша жойда, 2-иш, 44-варақ.

кўпгина туманларда ишга яроқли аҳолининг 30 фоизидан зиёдроғи ташкил этди. Ишсиз деҳқонлар мустақиллик учун курашчилар сафига фаол кирди⁵.

Қишлоқ камбағалларининг шўро ҳокимиятига муносабатида озиқ-овқат развёрсткасининг салбий таъсири борасида масалан, 1921 йил баҳорида бўлиб ўтган Самарқанд вилояти ижроқўми ҳайъатининг иши ҳақидаги маърузада очиқдан-очиқ шундай дейилади:

«Воқеликка кўз юммасдан шунга айтишга тўғри келадики, қишлоқ камбағалларининг шўро ҳокимиятига қарашини унча яхши эмас. Бунинг икки сабаби бор:

1. Развёрстка — Туркесубликасида ўтказилаётган бу тадбир алоҳида маиший шароитлар ва назарий жиҳатларни тушунмаслик сабабли озиқ-овқат органларининг мутлоқ тайёргарсизлиги туфайли развёрсткани тўлиқ бошбошдоқликка олиб келдики, улар ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, фақат вазифани бажаришга интилишган, деҳқонларни шўро қурилишига мутлақо жалб этмайдиган хатти-ҳаракатларни содир этишган.

2. Озиқ-овқат органларига мустабидона ҳуқуқлар берилиши туфайли улар бу ҳуқуқлардан озиқ-овқатларни деҳқонлардан мусодара этишда чегарасиз фойдаланишган. Тарғибот бўйича ишлар қарийб олиб борилмаган. Ҳар бир тарғиботчи қишлоқда нутқ сўзлаб, развёрстка бўйича дон топширган киши энг зарур маҳсулотлар олади деб ваъда қилган. Вазифасини бажарган деҳқон мануфактура, керосин ва ҳоказолар берилишини кутган, бироқ ҳеч нарса олмаган, чунки озиқ-овқат органларида ҳеч нарса йўқ эди. Табиийки бундай ҳодалардан сўнг тарғиботчининг кўп ваъда берувчи ва ҳеч нарсани бажармайдиган киши сифатида кутилади»⁶.

Шарқ муаммолари бўйича ўша даврда йирик билимдон бўлган Г. Сафаров ҳам айрим давлат ва партия арбоблари ҳам «босмачилик» истикдольчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва ривожланишига иқтисодий инқироз ва очарчилик таъсир кўрсатгани ҳақида ҳаққоний фикрлар билдиришган.

Жумладан, Н. Г. Тўрақулов ТКП VI съездида сўзлаган нутқида, хусусан, шундай деган: «Биз бир томондан босмачиларга оғир зарба берилганини кўришимиз, бошқа томондан, агар улар сафи камайган бўлса, ўз қўлларимиз билан яратилаётган кадрлар ҳисобига тўлаётганини ҳам кўряпмиз»⁷.

Деҳқонларнинг қаршилиқ ҳаракатидаги фаол иштироки кўп йиллар сир сақланди. Бу мавзудаги нашрларда «босмачиликда арзимаган деҳқонлар қатнашган» деган фикр астойдил ўқтирилди⁸.

Зотан тарихий ҳужжатларга эътибор берсак уларда деҳқонларнинг (энг камбағал қатламларига қадар) давр воқеаларига муносабати сезилади. Деҳқонлар орқали бутун Туркистон халқининг норозилиги намоён бўлди. Ўлка аҳолисининг негизини ташкил этган деҳқон-

⁵ Б. Хайит. Басмаческое движение // Звезда Востока. 1992. № 1. С. 99.

⁶ ЎзР МДА. 17-фонд, 47—48-варақлар.

⁷ Қаранг: Басмачество социально-политическая сущность. Ташкент, 1984. С. 12.

⁸ ЎзР МДА. 17-фонд, 45-иш, 380-варақ.

лар коммунистик мустабидликка ва большевойларнинг кенг халқ оммасига бегона тузумини тикиштиришига қарши курашда етакчи ижтимоий кучга айланди.

Хулоса қилиб айтганда, Октябрь тўнтариши «ҳарбий коммунизм» тузумида ўзбек деҳқонлари умидини оқламади. Большевойларнинг очиқ-ойдин зарарли, аграр, маданий-ғоявий сиёсати оғир, фожеали оқибатларга олиб келди. Деҳқонлар ваъда қилинган ерни олишмади. Улар ҳаддан зиёд оғир озиқ-овқат топшириқлари билан эзилди. Буларнинг барчаси кенг деҳқонлар оммасининг қаршилиқ ҳаракатига, миллий-озодлик курашида фаол иштирок этишига олиб келди.

Н. Мустафоева

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАОРИФ ТАРИХИНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Бугунги кун мамлакатимизда кўплаб илмий-маданий соҳадаги ўзгаришлар миллатимизнинг маънавий маърифий салоҳиятини ўсишида муҳим омил бўлиб саналади. Ҳукуматимизнинг бу борада қилаётган саъй-ҳаракатлари натижасида илмий муассасалар, олий ўқув юрлари ҳаётида ижобий юксалишлар кузатишмоқда. Зеро, фаннинг муҳим соҳалари бўйича илмий мактабларни шакллантириш ва уларнинг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатлар билан доимий ҳамкорликда бўлиш илм-фан вазифаларини тўғри ташкил этилишини белгилаб беради. Бу йўналишда асримиз бошларида Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган миллий зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш ёш авлодни қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялашда ғоятда эътиборлидир.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг ўлкада ўрнатилган большевиклар ҳукумати маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олмай ва бундан норози бўлган Туркистон халқлари ўз ҳукуматларини ташкил қилдилар. Аммо Туркистонда тузилган маҳаллий демократик ҳукумат — Қўқон мухторияти большевиклар томонидан қонга ботирилди. Эндilikда Туркистон миллий зиёлилари ўлкада зўрлик билан ўрнатилган шўро ҳукумати билан ҳисоблашишга, унинг давлат тузуми билан келишиб ишлашга мажбур бўлдилар. Улар большевиклардан пихоятда норози бўлишларига қарамай, ўз мамлакати ва халқининг равнақи ҳамда тараққиёти ҳақида қайғуриб, маданият ва маориф соҳасида фаолият кўрсатишга, халқнинг саводини, маърифатни ривожлантириш учун янги тизимдан имкон қадар фойдаланишга киришдилар. Бу борада улар илмий, маданий-маърифий муассасалар ташкил этиш, маҳаллий аҳоли учун янги мактаблар очиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, ўзбек тилида дарсликлар яратиш, ўтмиш маданий меросини ўрганиш, миллий театр тузиш каби ижобий жараёнларда фаол иштирок этдилар. Албатта, бундай ҳаракатлар жадидлар учун янгилик эмас ва улар бу борада катта тажрибага эга эдилар. Зеро, асримизнинг бошларида

жадидчилик ҳаракати айнан маориф ва маърифат муаммоларини ҳал этиш, уни ислоҳ қилиш заминиди вужудга келди. Бу оқим вакиллари «ижтимоий ва мустамлака зулмининг асосий сабабини авваламбор халқнинг ғафлатда қолганлиги ва маърифатсизлигида қидирган»¹ эдилар.

Бироқ, Октябрь воқеалари Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий жараёнларидан фарқли ўлароқ, маданий ҳаётида турли, бир-бирига қарама-қарши бўлган, бир томондан ижобий, бошқа томондан эса салбий асоратлар қолдириб, зиддиятли жараёнларга замин ясади. Бу нималарда акс этди? Авваламбор миллий зиёлилар томонидан кўтариб чиқилган барча ижобий ташаббуслар дарҳол марказ назорати олинди. Ҳар қандай маърифий маданий ислохотлар дастури албатта «юқоридан» келган бўлиши шарт эди. Янги мактабларнинг очилиши, саводсизликни тугатиш каби жараёнлар эски усул мактабларни бутунлай ёпиш, миллий хусусиятларни инобатга олмаслик каби салбий ҳолатлар билан ўтказилди. Миллий зиёлилар хатти-ҳаракатига панжа орасидан қараш, айниқса, ўтмиш меросига, ислом динига бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. Ўз даври учун бу масалаларнинг ҳал этилишига турлича ёндашилиб, бир-бирига қарама-қарши бўлган фикр-мулоҳазалар билдирилди. Албатта бундай муносабатларнинг барчаси 20—30-йиллар адабиётида, вақтли ва даврий матбуотида батафсил қайд этиб борилди. Энг характерли томони шундаки, рус муаллифларидан фарқли ўлароқ, айнан миллий зиёлилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларда кўпроқ Туркистон маданий тараққиётига хизмат қилувчи, ўлканинг шарт-шароитидан, ерли аҳолининг руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маълум даражада долзарброқ муаммоларни кўтариб чиқилган эди.

Туркистонда шўролар тузumi ўрнатилгандан кейинги биринчи даврларданоқ юртнинг онгли, юқори савиядаги билимли зиёлилари халқнинг маданияти, тарихи, этнографиясини ўрганиш бўйича бир неча илмий марказлар ташкил қилиш борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар, уларнинг ривожланиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар ёритиб бордилар. Сиёсий, иқтисодий, молиявий қийинчиликлар бўлган бир шароитда илмий марказларнинг, хусусан, Давлат Илмий кенгаши, Халқ дорилфунуни, Шарқшунослик институти, Академмарказ ва бошқа илмий муассасаларнинг ташкил қилиниши, республикадаги илмий изланишларни системалаштириш ва кучайтирилишига жиддий омил бўлди.

Дастлабки илмий муассаса бу — 1918 йилнинг бошларида Туркистон Маориф Халқ Комиссарлиги қошида очилган «махаллий шўъба» (секция) бўлиб, унинг ташаббускорларидан бири Тошкент жадидларининг йўлбошчиси ва раҳнамоси, таниқли маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов эди². Бу бўлимнинг очилишига сабаб маҳаллий аҳоли учун тузилган мактабларда ўқитувчи мутахассислар,

¹ Алимова Д. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида//Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Тошкент, «Эльдинур». 1999. 4-бет.

² Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность ГУСа//Наука и просвещение. 1922. № 2. С. 165.

дарслик, ўқув қуроолларнинг етишмаслиги бўлса-да, бироқ дастлабки вақтларда унинг фаолияти кўпроқ ташкилий масалалар, яъни Туркистон маҳаллий халқи орасида у ёки бу тадбирларни ўтказиш каби ишлар билан шугулланишдан иборат бўлди. 1920 йилнинг бошларига келиб «маҳаллий шўъба» миллатига қараб (ўзбек, татар, қирғиз, туркман) кичик бўлимларга бўлинади ва уларда 15 киши фаолият кўрсатган эди.

Е. Чернявскийнинг таъкидлашича, улар орасида, айниқса, ўзбек ва татар бўлимларининг ишлари самарали бўлиб, улар томонидан бир қанча китоб ва дарсликлар тайёрланган ва чоп этилган. Масалан, 1918—1919 йиллар давомида бу бўлимлар раҳбарлиги остида Ш. Раҳимийнинг «Совга» алифбе китоби, 1-2-синфлар учун «Арифметика», «Бошланма жуғрофия», тарих, этнография, геология, география ўқитувчилари учун қўлланма сифатида «Туркистон» китоби, кесма алифбо каби дарсликлар нашр қилинган³.

«Туркман бўлими» туркман миллатига мансуб ходимларнинг етишмаслиги натижасида фаолият кўрсатмаган, «қирғиз бўлими» ходимлари эса мустақил равишда, ҳеч ким билан келишмай ишлашга ҳаракат қилганлар⁴. Бундай тартибсиз ҳолат «маҳаллий шўъба»даги маданият ходимларини миллатига қараб гуруҳларга бўлиб эмас, аксинча уларни бирлаштириб, Маориф Халқ Комиссарлигининг барча ишларида барабар иштирок этишларини талаб этарди. Шу аснода Маориф Комиссарлигининг янги тузилишида «Илмий» бўлим ташсис этилди. Бу бўлим олий мактаб, архив ишлари, санъат ва тарихий ёдгорликларни қўриқлаш қўмиталарининг иш фаолиятларини назорат остига олиб, бу нарсага кўпроқ аҳамият бера бошлади. Лекин унинг фаолияти асосан олий ўқув юртларини ташкил қилиш каби масалалардан иборат бўлиб қолди. Ўқув дарсликлари тузиш, уларни чоп эттириш каби муҳим ишларга «маҳаллий шўъба»дагидек эътибор берилмади. Бу эса маҳаллий аҳолининг кўзга кўринган маданият вакиллари ташвишлантирди. 1921 йилнинг 17 апрелида Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлиги Кенгашига Н. Н. Иомудский томонидан «Миллий комиссиялар ва ўлка маҳаллий аҳолиси учун китоблар нашри масалалари»га оид ёзма маърузаси топширилади⁵. Бу маъруза ўта мулоҳазали, Туркистон маҳаллий халқининг маданий ривожланишида восита бўла оладиган назарий марказнинг тузиш заруриятини тўла англаган ҳолда тузилган. эди. Муаллиф илмий комиссияларнинг иш фаолиятларини таҳлил қилар экан, уларнинг вазифаларини сермаҳсул ва ҳаётий бўлиши учун керак бўладиган шарт-шароитларни аниқлашга ҳаракат қилади. Н. Н. Иомудский илмий комиссияларнинг мақсади, вазифаси, ишлаш услуби, тузилиши, таркиби хусусида алоҳида-алоҳида тўхталар экан, «фақатгина ижодиётнинг мавжудлиги, аниқ илмий тайёргарлик, ихтисослашув ва вазин

³ Архангельский Н. Учебная литература на узбекском языке//Наука и просвещение. 1922. № 2. С. 86.

⁴ Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность ГУСа. С. 166.

⁵ ЎЗР МДА. 34-фонд, 1-руйхат, 1198-иш, 47—52-парақлар.

фага чин дилдан ёндошув бўлгандагина илмий-миллий комиссияларнинг самарали ишлари ҳақида гапириш мумкин»лигини кўрсатиб ўтади⁶. Унинг фикрича, комиссияларнинг ҳар бирини асосий вазифаси ўз «она тили»да ўқув-илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар тузиш, ўқувчиларни Оврўпа адабиётининг энг яхши асарлари билан таништириш, Туркистон жуғрофияси, тарихи, санъати, турмуш тарзи ва умуман Туркистон маҳаллий халқининг ўзига хос маданиятини ўрганишдан иборат бўлиши керак эди.

Н. Н. Иомудскийнинг бу ёзма маърузаси Туркистон Республикаси Маориф Халқ Комиссарлигининг кенгайтирилган мажлисида тингланиб, кўриб чиқилади. Шу асосда 1921 йилнинг июнида «Илмий» бўлим Маориф Комиссарлиги ҳузуридаги «Илмий кенгаш»га айлантирилади⁷. Энди унинг янги низомида асосий вазифа этиб, фан, педагогика, санъат, музей, архив ва кутубхона ишларининг назарий ва дастурий масалаларини бошқариш вазифалари назарда тутилди. Шу билан бирга асосан, туб жойли аҳоли учун маориф ишлари бўйича режа ва дастурларни ишлаб чиқиш каби муҳим масала ҳам белгиланб қўйилди. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, бўлимнинг бу тузилиши собиқ «маҳаллий шўъба»даги ишларнинг анчагина кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган кўриниши эди. «Илмий кенгаш» тузилиши жиҳатидан Туркесепубликадаги барча муассасаларнинг илмий ишларини бирлаштирган эди. Бундан ташқари «Илмий кенгаш» таркибида саккиз асосий комиссиялар бўлиб, булар илмий-педагогик, илмий-сиёсий, этнографик, бадий, музей, архив, кутубхона ишлари бўйича ва миллий комиссия (ўзбек, қирғиз, туркман)лар эди. Бу комиссияларнинг ҳар бири аниқ вазифаларни бажариб, ўз ишларида илмий ёндашишга ва аниқ илмий усулларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Бироқ «Илмий кенгаш»нинг тузилишидаги ноаниқлик, зарур илмий кучларнинг йўқлиги ва маблағнинг етишмаслиги унинг ишларига ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун ҳам «Илмий кенгаш»нинг янги низоми тузилди, бу эса унинг доирасини анчагина торайтишга олиб келди ва фақатгина Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигининг мазмунан назарий маркази сифатида сақланиб қолинди⁸⁻⁹. «Илмий кенгаш» Туркистондаги барча илмий жамиятларни рўйхатга олиш, илмий уюшмаларнинг фаолияти билан танишиш, шу билан бирга бу ташкилотларга ёрдам бериш каби аниқ вазифаларни бажариши керак эди.

Шу ўринда «Илмий кенгаш» қошида самарали ишларни амалга оширган ўзбек миллий комиссиясининг ишларини алоҳида кўриб чиқиш зарур. Бу бўлим томонидан эски кутубхоналарни текшириш ва гоёат қимматли аҳамиятга эга бўлган қадимий китобларни ўзлаштириш каби вазифалар амалга оширилган. Зеро, юртимизда азалдан кўп асрлик анъанавий кутубхоналар мавжуд бўлиб келган ва улардаги китоб бойликларини янги замонга мослаштириб, кутубхоначилик

⁶ ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1198-иш, 47-варақ.

⁷ Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность ГУСа, С. 167.

⁸⁻⁹ Ўша жойда. 168-бет.

талабларига жавоб берадиган қилиб сақлаш, уларни илмий равишда қўлланилишини йўлга қўйиш ўз даври учун ўта долзарб эди. Бу муассасанинг яна муҳим тadbирларидан бири китоб ва дарсликлар етиштириш маътан бир шароитда дарсликлар тузиш бўйича конкурс эълон қилган эди. Конкурсага бир қатор дарсликлар, жумладан, геометрия (бошланғич мактаблар учун), ёзув йўллари, ўзбекча ўқиш (уч қисмда), педагогика дарслиги (татар тилидан таржима), Туркистон жўғрофияси, алгебра дарслиги, маданият тарихи каби китоблар топширилган ва бу ёзилган ишларга эса маълум миқдорда пул, шунингдек, буюмли мукофотлар белгиланиб, пул мукофотининг ҳажми ҳар бир асар учун 300.000 сўмдан ошмаган эди¹⁰. Бироқ Н. Архангельскийнинг таъкидлашича, пул маблағларининг етарли эмаслиги натижасида муаллифларнинг меҳнатлари керакли даражада тақдирланмаган¹¹.

Шу билан бирга Фитрат, Элбек, Боту, Чўлпон каби ўзбек шоирларининг шеърини тўпламларини чоп этилиши айнан ўзбек миллий комиссиясининг хизматлари бўлиб ҳисобланади. Бу комиссия томонидан бевосита Давлат Илмий кенгашининг раҳбарлиги остида 1922 йилда ўзбек маданияти ва маорифи ходимлари съездининг ўтказилиши эса Туркистон ҳаётида катта бир воқеа эди. Бу съездда маданият ва маориф соҳасида юзага келган имло ва терминология, ўқув дарсликлари, мактабларда ўқитиш усули каби қатор муҳим масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилинди. Илмий-педагогик комиссия билан биргаликда бу миллий комиссия мактаб қурилишида ўзбекларнинг миллий урф-одатлари ва турмуш тарзидаги хусусиятларини ҳисобга олиб бир қатор дастур ва қоидаларни ишлаб чиққан эди. Муассаса ўзбек ёшларини Москва, Петроград ва хорижга маълумот олиш учун ўқишга юборишга ёрдам қилиш сингари вазифаларни ҳам бажарган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат архивида ўзбек миллий комиссиясининг раиси А. Ғози Юнусовнинг ўзбек ёшларини маълумот олиш учун хорижга юбориш тўғрисидаги ёзма маърузаси сақланмоқда¹². Маърузачи ҳукумат органи — Маориф Халқ Комиссарлигига Туркистон ўлкасининг келажакда илмий асосини ташкил этувчи камида 10 нафар иқтидорли ўзбек ёшларини хорижга юбориш таклифини киритган эди. Унинг ёзишича, ёшлар фақатгина маълумот олиш билан чекланмасдан, аксинча, у ердаги кутубхоналар, китоб бойликларида фойдаланиб, Туркистон миллий мактаблари учун дарсликлар тузиш, уларни мукаммаллаштириш ишлари билан ҳам шуғулланишлари керак. Ўзбек миллий комиссияси бу ишларни олиб бориш учун С. А. Усмонхўжаев¹³ни раҳбар қилиб белгиланган ва дарсликлар тузишда унга ёрдамчи этиб профессор В. И. Романовский та-

¹⁰ УзР МДА. 34-фонд. 1-рўйхат, 735-иш, 195-варақ; Яна бу ҳақда қarang: Архангельский Н. Учебная литература на узбекском языке. С. 37—38.

¹¹ Уша ерда. 39-бет.

¹² УзР МДА. 34-фонд. 1-рўйхат, 735-иш, 329—330-варақлар.

¹³ С. А. Усмонхўжаев 1921 йилда Туркистон дорилфунунининг физика-математика факультетини тугатган. Табиий фанлар ва математика фани бўйича дарсликлар ёзишга киришган эди.

йинланган. Ўзбек миллий комиссияси Маориф Халқ Комиссарлигидан юқорида кўрсатилган таклифларни кечиктирмасдан амалга оширишни талаб қилган эди. Шу билан бирга бу бўлим томонидан «Билим ўчоги» деб номланган илмий-оммабоп журналнинг нашри ҳам йўлга қўйилган. Бу журнал илмий-оммавий ойнома бўлиб, унинг дастлабки сонларида маданиятшунослик, тарих, таълим ва тилшуносликка оид жуда қизиқarli мақолалар чоп этилган. Бироқ, бу журналнинг дастлабки икки сони чоп этилгач, унинг нашри тўхтаб қолди, бу эса албатта маданият муаммолари тарихшунослиги тараққиётига салбий таъсир этди.

Ўзбек миллий комиссиясидан ташқари «Илмий кенгаш» ҳузурида фаолият кўрсатган бадий-театр, музиккий этнографик илмий комиссиялари маҳаллий театрларнинг вужудга келишини ўрганиш, халқ ўйинлари, муסיқаларини тўплаш, халқ ижодиётидаги этнографик ва тарихий материалларни йиғиш каби ишларни амалга оширдилар¹⁴. Этнографик илмий бўлимда бир қатор юқори малакали рус олимлари — проф. А. Э. Шмидт, проф. А. Л. Кунн, проф. М. С. Андреев, проф. П. А. Фалев, этнограф А. А. Диваев, Шарқшунослик институти ўқитувчилари Н. Г. Малицкий ва Н. Н. Иомудскийлар йинилган эдилар. Бу бўлимга Россия Фанлар академиясининг илмий қизиқишлари катта бўлиб, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни белгилаб олган эди¹⁵. Бизнингча бундай «қўллаб-қувватлаш»нинг сабабларидан бири бу мустақил бўлган ташкилотни ҳар тарафлама ўз назоратига олиш, иккинчи томондан моддий жиҳатдан тобе қилиб қўйиб, ўз йўналишидан олиб боришдан иборат эди. Фикримизнинг исботи ўлароқ, Чернявскийнинг «моддий тарафдан маблағларнинг, керакли шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги «Илмий кенгаш» қошидаги барча комиссияларнинг ишларига анча тўсқинлик қилган»¹⁶, — деган фикрларини қайд этиш ўринлидир. Бундан ташқари архив ҳужжатларида кўрсатилишича, 1923 йилга келиб Давлат Илмий кенгашининг аҳволи аянчли бўлиб, ўзига ажратилган маблағнинг фақатгина 15 фоизинигина олган. Бундай моддий етишмовчиликлар унинг республикадаги кўплаб ташкилотлардан ёрдам сўраб, маблағ ундиришга мажбур этган эди¹⁷. Лекин шунга қарамай, 20-йилларнинг илк даврлариданоқ биринчи илмий марказнинг фаолияти, унда республикадаги илмий кучлар, зиёлиларнинг бирлашуви, ўзаро алоқада иш юритиш маданият ва фан тараққиётида маълум даражада олдинга силжиш бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, миллий зиёлиларнинг саяё-ҳаракатлари ила амалга оширилган бундай ижобий ишлар асосан миллат раънақиға, унинг манфаатига, маданияти ривожига қаратилган эди.

Бироқ бундай миллий ривожланиш марказга «хавф»ли бўлиб туюла бошлади. Тоталитар тузум авж ола бошлаган давр, яъни

¹⁴ ЎзР МДА. 34-фонд, 1-рўйхат, 1191-иш, 52—54-варақлар.

¹⁵ Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность ГУСа. С. 172.

¹⁶ Уша ерда. 172-бет.

¹⁷ ЎзР МДА. 34-фонд, 1-рўйхат, 1194-иш, 233-варақ.

1926—1927 йилларга келиб Давлат Илмий кенгаши фаолияти маълум доирада, яъни дастурий-услубий (программно-методический) ва Халқ Маориф Комиссарлигининг нашриёт ишлари билан чегараланди. Эндиликда Давлат Илмий кенгаши қошида 3 секция фаолият кўрсата бошлади. Булар: 1. Ижтимоий тарбия. 2. Илмий техник. 3. Илмий сиёсий ва марказий услубий бюро¹⁸. Табиийки бу муассаса ҳам давлат сиёсати билан келишилган ҳолда ишлаши, унинг буйруқларини сўзсиз бажариши лозим эди. 30-йилларнинг бошларига келиб эса бу илмий муассасанинг асосий вазифаси «марксистик-ленинча педагогика учун кураш, мактабларни сиёсий қайта қуриш, уларни политехнизациялаш»дан иборат бўлиб қолди. Давлат Илмий кенгашининг биринчи сессиясида (9.1.1932 й) маъруза қилган З. Гимадиев «ҳозирда улуг давлатчилик шовинизми чиқиндилари, маҳаллий миллатчилик қолдиқлари мавжуд ва улар билан беаёв кураш лозим»¹⁹лигини айтиб ўтган эди ва бу вазифа ушбу муассасанинг кейинги фаолиятини белгилаб берди. 1933 йилга келиб Давлат Илмий кенгаши тарқатилиб юборилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туркистон Давлат Илмий кенгаши фаолиятининг биринчи даврларида у билан бир вақтнинг ўзида Туркистон Халқ дорилфунуни ҳам юзага келган ва у ўша давр олий таълимнинг илк дебочаси бўлиб ҳисобланар эди.

1918 йил 21 апрелда Туркистон Халқ дорилфунуни ўз фаолиятини бошлади²⁰. Унинг юзага келишида ўлкадаги барча маданият ва маориф ходимларининг хизматлари катта бўлган. Бу муассаса республикадаги илмий ва умуммаданий муассасаларни уюштирувчи марказ сифатида ташкил топган ва ижтимоий-иқтисодий, табиий-математик, адабий-фалсафий, тарихий-филологик, қишлоқ хўжалиги ва техника факультетларини ўз ичига олган эди. Бундан ташқари дорилфунуннинг ҳарбий факультетида «ҳарбий жамият» иш юритар ва унинг аъзолари турли масалалар билан бир қаторда Туркистон тарихига оид маълумотларни ўрганиш ва тўплаш ишлари билан ҳам шуғулланар эди²¹. Бироқ 1918 йил газета саҳифаларидаги мақолалардан бизга маълум бўлдики, мазкур дорилфунун мусулмонлар учун анча йироқ бўлган. Чунки бу масканда ўқитувчилар таркиби оврўпаликлар бўлиб, дарслар фақат рус тилида олиб борилган. Бу эса Мунаввар Қори Абдурашидхонов, С. Асфандиёров ва бошқа мусулмон зиёлиларининг ўз дорилфунунларини очиш ғоясини келтириб чиқаради²². Бу ғояни амалга ошириш мақсадида улар Маориф Халқ Комиссариатига мурожаат этадилар ва мазкур дорилфунун қошида мусулмон бўлими очиш таклифини киритадилар. Бу таклиф ўша

¹⁸ ЎзР МДА. 34-фонд, 5-рўйхат, 40-иш, 6-варақ.

¹⁹ Ўша ерда. 1011-иш, 6-варақ.

²⁰ Бу ҳақда яна қараг: Шамсиева И. Ўрта Осиё олий таълим тизимини шаклланиш тарихига доир мулоҳазалар//ТошДУ хабарлари, 1999. 3-сон, 49—58-бетлар.

²¹ Черданцев Г. К истории первых лет Туркестанского университета (1918—1922)//Наука и просвещение. 1922. № 2. С. 94.

²² Тоқтабаев И. К открытию мусульманского Народного университета//Наша газета. 1918. № 92. 12 май.

вақтларда Маориф Халқ Комиссари бўлган К. Я. Успенский томонидан қўллаб-қувватлангач, махсус комиссия тузилиб, унга мусулмон демократик ташкилотларидан вакиллар аъзо бўладилар. Бу комиссия таркибига Мунаввар Қори Абдурашидхонов (раис), Бурхон Ҳабиб, Исо Тўхтабоев, Содиқ Абдусатторов, Муродбек Муродхўжа, Мухтор Бакиров, Абдусами Қори Зиёбоев ва бошқалар кирган бўлиб, улар томонидан маҳаллий миллат орасида бу ўқув юртига қизиқиш уйғотиш, унга яқинлаштириш, мусулмон бўлими дастурларини тузиш каби ташкилий ишлар амалга оширилган эди²³.

Туркистон Халқ дорилфунунининг мусулмон бўлими уч босқичдан иборат бўлиши белгиланади. Юқори босқич — дорилмуаллимин (ўқитувчилар курси, кейинроқ институт — Н. М.), ўрта босқич — ўрта ҳунар-мактаблари, қуйи босқич — бошланғич мактабларни ўз ичига олар эди. Халқ дорилфунуни таркибининг бундай шаклда бўлиши воқеликнинг ўзидан келиб чиққан, замонавий билим ва саводхонликка эҳтиёждан турилганди.

1918 йилнинг 13 майида Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Викула Морозовнинг солиқ дўкони биносиди (ҳозирда ўзбек ёш томошабинлар театри — Н. М.) Туркистон Халқ дорилфунуни мусулмон бўлимининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

«Халқ дорилфунуни» газетасининг биринчи сони бу ҳақда қуйидагича ёзган эди: «Туркистонда биринчи мартаба ўлароқ халқ дорилфунуни таъсис этилди. Туркистон халқининг аксари турк мусулмонлари бўлган сабабли, табиий бу муассасанинг мусулмонлар учунда махсус шўъбаси вужудга келди. Ишда халқсевар, бир неча зиёлиларимизнинг ташаббуслари билан мазкур шўъба майдонга келди. Тошкентда мусулмон Халқ дорилфунунининг ибтидоий шўъбаси очилди»²⁴.

Исо Тўхтабоев бу бўлимни тўла равишда мусулмон дорилфунуни деб атаб, бу кунни «мусулмонлар ҳаётида энг бахтли кун, уларнинг озод ҳаётидаги мустаҳкам пойдеворнинг, озод мактабнинг тузилиши кунини»²⁵ дея, барча мусулмонларни ушбу олий ўқув даргоҳига ўқишга чорлади. А. Еникеев эса бу муассасанинг очилишини «...мусулмонларнинг Оврупа маданиятига яқинлашувида кенг имкониятлар яратди»²⁶ — деб ёзди.

Бу бўлим тез орада ўзига хос йирик билим масканига айланади. Унинг таркибида дастлаб 9 та бошланғич мактаб очиш мўлжалланган бўлса-да, аҳоли эҳтиёжидан кўра, уларнинг сони 24 тага етди²⁷. 1918 йил 2 июнь кунини мусулмон бўлимининг юқори босқичи — олий таълимга асосланган дорилмуаллимин ишга тушади. Унда Мунаввар

²³ Еникеев А. Краткая история возникновения в Ташкенте мусульманской секции Народного университета//Народный университет. 1918. № 31. 9 июнь.

²⁴ Халқ дорилфунуни. 1918. 1-сон. 31 май.

²⁵ Тохтабаев И. К. К открытию мусульманского Народного университета// Там же.

²⁶ Еникеев А. Краткая история возникновения в Ташкенте мусульманской секции Народного университета//Там же.

²⁷ Народный университет. 1918. № 31. 9 июня.

қори этикадан, Камол Шамси арифметика ва геометриядан, Фитрат она тилидан, Абдурахмон Исмоилов санъат, меҳнат, мусиқадан, Ризаев жўғрофия, маданият тарихи ва сиёсий иқтисоддан маърузалар ўқитганлар²⁸. Туркистон Халқ дорилфунунининг мусулмон бўлими тўла маънодаги олий ўқув юрти бўла олмаса-да, ўша давр руҳига мос, халқчил билим маскани эди. Шу билан бирга, Халқ дорилфунуни томонидан «Народный университети» ва мусулмон бўлими томонидан эса «Халқ дорилфунуни» газеталарининг нашри йўлга қўйилган эди-ким, улар ўзларининг қизиқарли материалларга бойлиги, ҳеч бир муболагасиз сиёсатдан узоқлиги, фақат илмий ва техникавий мақолаларни чоп этганлиги билан ажралиб турарди. Жумладан, «Халқ дорилфунуни» газетаси янги усул мактаблар тузиш, Оврупа маданиятини Туркистон маорифига киритиш ва кейинчалик ўзига хос тараққиёт йўлидан бориш каби мақсадларни ақс эттирувчи мақолалар бериб борган. Масалан, «Хотин-қизлар учун халқ ҳунар мактаби», «Тарбия ибтидоий», «Ҳунар мактаби», «Мусулмон халқ дорилфунунининг Тошкент комиссияси ҳисоботи» ва бошқа мақолалар шулар жумласидандир. Бу газета саҳифаларида Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимий, Мухтор Бакиров сингари миллий зиёлилар иштирок этган эдилар. Бироқ шундай ажойиб газеталар бир йиллик фаолиятдан сўнг тўхтатилган. Бунинг сабаблари эса, энг аввало моддий маблағнинг етишмаслиги, ҳукумат тарафидан қўллаб-қувватланмаганлиги бўлса, яна, фикримизча, энг асосийларидан бири бундай ўқув муассасаси ва унинг нашрининг ҳам ташаббускорлари «албатта марказ»дан бўлиши керак эди. Ва шундай бўлди ҳам. Дорилфунунининг фаолияти ғоят кенг ва кўп қиррали бўлишига қарамай узоқ давом этмади. 1920 йилнинг сентябрида Туркистон Давлат университетининг (ТДУ) очилиши Халқ дорилфунунининг ёпилишига сабаб бўлди. Бу ҳақда Шокиржон Раҳимий шундай фикрларни билдиради: «...бир неча минг талабага эга бўлиб гуриллаб турган «Туркистон дорилфунуни» шул чоғда Оврунали ўртоқларнинг томонидан тузилган дорилфунунининг асири бўлиб, уларнинг ишлик ва уста сиёсатлари, бизнинг иш билмаслигимиз ва кишисизлигимиз соясида, уларнинг тузган ташкилотлари сўнггида, шундай катта бир «Туркистон дорилфунуни» қисқа муддатли савод курсларига айланиб, сўнгга ўз-ўзидан битди»²⁹. Айтиш лозимки, бизларга бошқа ҳеч ерда учрамаган бу фикр рисола саҳифасининг остига ёзилган изоҳда берилган, холос. Бир оз кейин «Наука и просвещение» журналида чоп этилган рисоланинг русча таржимасида айнан мазкур фикрлар тушириб қолдирилган эди³⁰. Чунки бу фикрлар ўша даврда кучга кириб келаётган шўролар ҳукуматининг маданий жараёнларда олиб бораётган «уста сиёсатларига» зид келар ва бундай фактларнинг бўлишига «йўл қўйиб бўлмас» эди.

²⁸ ЎзР МДА. 34-фонд. 1-рўйхат, 110-иш, 327-варақ.

²⁹ Раҳимий Ш. Маорифимизнинг ўтгандаги ва ҳозирги ҳоли. Тошкент. 1923. 18-бет.

³⁰ Раҳимий Ш. Просвещение узбеков/Наука и просвещение, 1922. № 2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент Давлат университетида» «Ўзбекистон Миллий университети» мақomini бериш тўғрисида»ги 2000 йил 28 январь Фармони³¹ бу муассасанинг ҳақиқий, ҳолисона тарихини тиклашда муҳим аҳамият касб этди.

Умуман олганда, тарих ва маданиятга онд бўлган илмий марказларнинг таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Октябрь тўнтаришидан кейинги ўрнатилган ижтимоий-сиёсий тузум фан таъқиқига ўз нисбий таъсирини ўтказди. Бирламчи даврда вужудга келган илм-фан масканлари ўз даврининг илмий ғоялари, изланишларнинг бирланишига ва кучайишига омил бўлди. Бундай ижобий силжишлар албатта ўша даврдаги миллий зиёлиларнинг, хусусан жадидларнинг бевосита сазй-ҳаракатлари, ташаббуслари билан амалга оширилди. Миллат манфаатларини кўзлаган, маданиятнинг ўзига хос миллий ривожига катта эътибор берган бу муассасаларда маҳаллий халқнинг турмуш тарзи, маданияти, тарихи ўзаро уйғунлашган ҳолда ўрганилди. Улар кейинчалик вужудга келган илмий муассасалар учун моддий-техникавий, илмий асос бўлди.

Бироқ ҳукмрон бўлган мустабид тузум мафкурасининг таъсири кучайиши натижасида миллий зиёлиларнинг, миллатнинг «ўсиш хавфи» пайдо бўлди ва улар томонидан тузилган ҳар қандай илмий-маданий ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, шўро воқелигига «хос ва мос» бўлган муассасалар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилинди. 30-йилларга келиб вужудга келган таҳликали сиёсий муҳит шароитида эса барча илмий тадқиқот марказларининг фаолияти чекланган, маълум доирадан четга чиқа олмай юқоридан келган буйруқ асосида ва унга сўзсиз бўйсунган ҳолда иш юритиши лозим эди. Албатта, уларнинг номланиши, тузилиши, режаси жиҳатидан илмий-маданий муассасалар саналса-да, бироқ уларнинг амалга оширган ишлари талабга жавоб бера олмас, айниқса тарихий-маданий муаммоларни ўрганилиши ва талқин этилишида бир ёқламалик тамойиллари қўлланилган эди. Зеро, ўша даврда мустаҳкам қарор топган «совет фани» ўз замони академиги А. Н. Бах таъбирича «синфий сабабларга кўра ўтмиш илминини қўлламаслиги керак»³² эди.

³¹ Халқ сўзи, 2000 йил. 29 январь.

³² Бах А. Н. Советская наука//Советская наука. 1938. № 1. С. 4.

Манба ва талқин

А. Аҳмедов, Н. Ҳамдамова

ЭЛЧИ НИЗОМШОҲНИНГ «ТАРИХИ ЭЛЧИ НИЗОМШОҲ» АСАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, янгича фикрлаш, миллий мафкура ва миллий онининг такомиллашуви ҳаётимизнинг барча жабҳаларига, жумладан, тарихимизга, узоқ ва яқин ўтмишимизга янгича қарашни тақозо этади. Бу борада Президентимизнинг бундан қарийб икки йил аввал тарихчилар билан бўлган учрашувда айтилган фикр-мулоҳазалари оламшумул аҳамият касб этди ва тарихчилар олдига улкан вазифалар қўйди.

Ўтмиш тарихимизни ўрганишда асосан ёзма манбаларни, сарой ҳужжатларини, изчил ўрганиш кераклиги шубҳасиздир. Бунга у манбаларнинг катта-кичиклигининг аҳамияти йўқ. Баъзан ҳажми жиҳатидан кичик бўлган манбалардан ҳам ватанимиз тарихига оид муҳим хабарларни топиш мумкин. Лекин йирик асарларда Ўзбекистон ва ўзбек давлатчилиги ҳақидаги хабарларнинг бўлиши тарихимиз учун керакли ва қимматбаҳодир. Ана шундай асарлардан бири «Тарихи Элчи Низомшоҳ»дир.

1994 йили буюк астроном-математик ва давлат арбоби Абул Фатҳ Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси бир неча хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштирган эди. Экспедициялар аъзолари олдига Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё тарихи, фани ва маданияти тарихига оид хорижий кутубхоналарда сақланидиган қўлёзмаларнинг микрофильмларини келтириш вазифаси қўйилган эди. Мазкур экспедицияларнинг бири Буюк Британияга юборилган бўлиб, бу ҳали фанда яхши ўрганилмаган бир қатор қимматбаҳо ва нодир қўлёзмаларнинг микрофильмларини келтирди. Шулардан бири «Тарихи Элчи Низомшоҳ» номли асари эди¹.

Элчи Низомшоҳ номи билан фанга маълум бўлган муаррих асли Ироқи Ажам (шимоли-ғарбий Эрон)лик бўлиб, унинг исми Хуршоҳ ибни Кубод ал-Ҳусайний бўлган. Унинг ҳаёти ҳақида аниқ маълумотлар деярли сақланмаган. Хусусан унинг туғилган йили ва Ҳиндистонга келган вақти маълум эмас. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, у Аҳмаднагарнинг ҳокими Бурҳон Низомшоҳ I нинг (подшоҳлик йиллари: ҳ. 914—961/м. 1508—1553 йиллар) саройида хизмат қилган. Бу ҳоким Хуршоҳни Эроннинг Сафавий шоҳи Таҳмасп саро-

¹ Ушунга УЗР ФА Абу Райҳон Бериий номи Шарқшунослик институтининг бўлим мудири А. Аҳмедов амалга оширган.

йига элчиликка юборади ва шоҳ уни ҳ. 952/м. 1545 йили Қазвинда қабул қилади. Афтидан, Хуршоҳнинг элчилик сафари узоққа чўзилиб кетган кўринади, чунки ҳ. 917/м. 1563—1564 йилларда ҳам у ҳали шоҳ Таҳмаспнинг саройида бўлгани маълум. Унинг Ҳиндистонга қачон қайтиб келгани номаълум, лекин у ҳ. 927 йил 25 зулқаъдасида/м. 1565 йил 24 июнида Голкондада вафот этгани маълум.

Хуршоҳнинг қаламига мансуб асосий асари фанга «Тарихи Элчи Низомшоҳ» номи билан кирган. Асар бутун дунё тарихи мавзунда ёзилган. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда «аз бадви офаринаш то ин замон», яъни «олам ибтидосидан то ҳозирги замонгача» деган. Бунда «ҳозирги замон» деб, муаллиф асар ёзиб тугатилган йил, яъни ҳ. 970/м. 1562—1563 йилларни назарда тутди. Асарнинг ҳажми ниҳоятда катта: майда ҳарф билан ёзилган, ҳар бетидаги сатр сони 32 тадан иборат ва бутун варақларининг сони 443 варақ бўлса ҳам, муаллиф уни «ин мухтасар» («бу мухтасар») деб камтарона айтган. Асар муқаддима ва етти «мақола»дан иборат. Ҳар бир мақола аслида бир китобни ташкил қилади.

Муқаддимада қуръоний анъанага кўра, олам яратилиши сабаби, «Абулбашар» Одам атонинг яратилишидан то Нух пайғамбар ва Тўфонгача давр ва баъзи воқеалар ҳақида тавсифланади. Ҳар бир мақола бир печа «гуфтор», яъни параграфдан ёки бобдан иборат.

Биринчи мақолада «мулуки Ажам»— Ажам подшоҳлари, машҳур пайғамбарлар ва хусусан Муҳаммад пайғамбар ҳақида баён қилинади. Бу мақола беш бобдан (гуфтордан) иборат. Биринчи бобда Эроннинг афсонавий Пешдодий подшоҳлари ва уларнинг даврида зуҳур этган баъзи пайғамбарлар ҳақида баён қилинади.

Асарнинг биринчи мақоласининг иккинчи бобида қисмини афсонавий қисми деб қараш мумкин. Ҳақиқий воқеий тарих шу мақоланинг иккинчи бобидан бошланади. Бу бобда Эроннинг Қаёний, яъни Аҳоманий подшоҳлари даври ҳақида баён қилинади. Мақоланинг тўртинчи боби Эроннинг Сосоний подшоҳлари даврига бағишланган. Мақоланинг бешинчи бобида эса Яман подшоҳлари ва Византия императорлари ҳақида баён этилади.

Асарнинг иккинчи мақоласи Муҳаммад пайғамбар таваллуди ва ҳаёти, ўн икки имом, Умавий ва Аббосий халифаларга бағишланган. Бу мақола ҳам беш бобдан иборат. Унинг биринчи бобида Муҳаммад пайғамбарнинг таваллудидан вафотигача бўлган воқеалар баён этилади. Иккинчи бобида тўрт хулафои рошидин (чорёрлар) даври ҳақида тавсифланади. Учинчи боби пайғамбарнинг куёви Али ибни Абу Толиб ва ўн икки имом воқеаларига бағишланган. Тўртинчи бобида Умавий халифалар ва шийъаларнинг хуружи ҳақида ҳамда Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилиши ва бу билан боғлиқ воқеалар хусусида тўхталади. Бешинчи бобда Мовароуннаҳр ва Хуросон воқеалари ҳақида муфассалроқ баён этилади, чунки бу боб Аббосий халифаларнинг Або Муслим ҳаракати ёрдамида салтанат тепасига келиши ва бу билан боғлиқ воқеаларга бағишланган.

Асарнинг муҳим қисми унинг учинчи мақоласидир. Унда Аббосий халифалар даврида халифаликнинг парчаланиб, янги шакланган

мустақил подшоҳликлар ва давлатлар ҳақида тавсифланади. Бу мақола ўн уч бобдан иборат. Унинг биринчи бобида халифаликнинг илк боб парчаланишида Хуросон ва Мовароуннаҳр ўз таркибига олган мустақил Тоҳирийлар давлатининг юзага келиши ва фаолияти ҳақида тавсифланади. Иккинчи бобда худди шу йўсинда Саффорийлар давлати ҳақида баён этилади. Учинчи бобда Сомонийлар давлати ва Қобус ибни Ваншгир Зиёрий подшоҳлиги ҳақида тавсифланади. Мақоланинг тўртинчи боби Бувайҳийлар давлатига бағишланган. Бешинчи боб амир Сабуктегиннинг фаолияти ва Ғазнавийлар давлатига бағишланган. Олтинчи боб Афғонистоннинг марказий ва ғарбий қисмидаги Ғўр ва Ғарчистон подшоҳлигига бағишланган. Еттинчи бобда Исмоиллийлар ҳукумати ҳақида тавсифланади. Мақоланинг саккинчи бобида Салжуқийлар салтанати ҳақида муфассал баён этилади, унинг шаклланиб, юксалиши ва иқтироси кўрсатилади. Тўққизинчи боб Нимруз — Сенстон подшоҳларига бағишланган. Унинг боб пойтахти Ҳирот бўлган Куртлар давлатига бағишланган, бу давлатнинг кейинчалик Чиғатойларга ва Амир Темурга тобе бўлиб, умуман тугатилганлиги кўрсатилган. Мақоланинг ўн биринчи боби Озарбайжон Отабекларига бағишланган, уларнинг Ануштегиний Хоразмшоҳлар билан муносабати кўрсатилган. Ун иккинчи боб Хоразмшоҳлар давлатига бағишланган, Жалолиддин Манкбурнинг фаолияти яхши кўрсатилган. Ниҳоят мақоланинг ўн учинчи боби Қорахитойлар давлатига бағишланган.

Асарнинг тўртинчи мақоласи «Туркистон султонларини зикр қилиш, Чингизхон ва унинг авлоди зуҳурининг баёни ва уларнинг Турғону Эронни истило қилишининг шарҳи» деб аталган. Бу мақола тўрт бобдан иборат. Биринчи бобда Туркистоннинг географик ўрни, ундаги давлатларнинг қадимийлиги ва Чингизхон зуҳури арасида у ердаги сиёсий аҳвол ҳақида баён этилади. Иккинчи бобда Чингизхоннинг зуҳур қилиши ва унинг авлодларининг Туркистон ва Мовароуннаҳрдаги салтанати ҳақида баён этилади. Мақоланинг учинчи бобида Ҳулогхоннинг салтанати ва унинг Эронни забт этгани ҳақида баён этилади. Тўртинчи бобда Эроннинг жанубидаги Музаффарийлар сулоласи тавсифланган, бу сулоланинг Амир Темурга тобе бўлиши ва тугатилиши кўрсатилган.

Асарнинг бешинчи мақоласи «Ҳазрати Амир Темур Гурагоннинг зуҳури ва ҳуружи ҳақида зикр этиш, унинг авлоду уруғининг жаҳон маъмур қисмининг аксариятидаги салтанати» деб аталган ва бевосита Амир Темур ва Темурийлар салтанатига бағишланган. Бу мақола асарнинг талай қисмини ташкил қилса ҳам фақат уч бобдангина иборат. Мақоланинг биринчи бобида ҳазрат соҳибқироннинг бундай аталишининг сабаби, унинг зуҳури, Мовароуннаҳр ва Туркистондаги ички душманлар билан кураши, ҳамда жаҳон маъмурасининг аксариятини истило этган воқеалари шарҳланади. Иккинчи бобда Шохрух Мирзо ва унинг фарзандларининг салтанати изоҳланади. Учинчи боб соҳибқирон қолган авлодларининг подшоҳлигига бағишланган.

Асарнинг олтинчи мақоласи беш бобдан иборат бўлиб, унда Оқ қўйли ва Қора қўйли туркман султонлари, Исмоил Сафавийдан Таҳ-

маспгача бўлган Сафавий сулоласидан шоҳлар, Рум султонлари ҳақида баён қилинади.

Китобнинг охириг еттинчи мақоласи беш бобдан иборат, у асосан Ҳиндистондаги Бобурийларгача бўлган мусулмон сулолаларига бағишланган.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, Хуршоҳ ибни Кубод ал-Ҳусайнийнинг «Тарихи Элчи Низомшоҳ» асарининг талай қисми Мовароуннаҳр ва Туркистон тарихига алоқадор бўлиб, бу борада асарнинг ўзи нодир манбадир. Айниқса, унинг II—V мақолалари диққатга сазовор бўлиб, уларда бевосита Турон тарихи баён этилади. VI—VII мақолаларда ҳам баъзи муносабат билан ўлкамиз тарихига мурожаат этилади. Унинг ўзбек давлатчилиги, Ўзбекистон тарихи ва мустақиллиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши долзарб илмий муаммодир.

Дунё кутубхоналарида асарнинг бир неча қўлёзмалари сақланади. Унинг биринчи тўлиқ тавсифини ва мавжуд қўлёзмалар ҳақидаги маълумотни, Ч. Риё ўз каталогида келтирган². Бироқ Британия музейининг Эте фондида 3535 рақами билан сақланаётган ва микрофильмдан биз фойдаланган қўлёзма негадир бу каталогга кирмай қолган. Яна икки қўлёзма Техронда, бири 4323 рақами билан университет кутубхонасида, иккинчиси 1330 рақам билан Асафия кутубхонасида сақланади. Табризда, Миллий кутубхонада 29 рақами билан яна бир қўлёзмаси сақланади.

Асарнинг Ширвон, Гилон, Мозандарон, Рустамдор ва Ҳазоржабирнинг ҳокимларига бағишланган қисми (VI мақола 4 боб) К. Шеффер томонидан французчага таржима қилинган³. И. П. Петрушевский унинг русча тавсифини нашр этган⁴. Асар ҳақида Т. Н. Деваренинг тадқиқи ҳам нашр этилган⁵.

² Catalogue of the Persian manuscripts in the British Museum by Charles Rieu, Ph. D. Vol. I. Berlin, 1879. A general history, from the earliest times to A. H. See. P. 107a—110a.

³ Scheffer C. Chresomathie persane, t. Paris, 1885. P. 55—133.

⁴ Петрушевский И. В. Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI—XIX вв. Л., 1949. С. 24—25.

⁵ Devare T. N. Khurshah and his Tarikh-e-Elchi-e-Nizamshah (13-All-India Or. Conf., 1946; Arabic and Persian section. P. 15—19. Index Islamicus. № 10939.

К. Воҳидова

ТУРКИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ ҲАҚИДА «АЛ-ИСЛОҲ» ЖУРНАЛИ

Бугунги кунда мамлакатимизда мафкуравий маънавий ишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақиллик шарофати билан маънавий мулкимиз диний қадриятларимиз қайта тикланди. Фуқароларимизнинг улкан ва бой маданияти узвий қисмларидан бўлмиш Ислом назарияси ва тарихи, фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқини чуқур ўрганиш учун мамлакатимизда Ислом Университети ташкил қилинди.

Бинобарин, 6 апрель кунн Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган миллий мафкурани шакллантириш йўл-йўриқлари юзасидан миллат зиёлилари: тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, диний кўмита вакиллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида халқимизнинг исломий билимларни турли хил поқонуний гуруҳлар таъсиридан ҳоли равишда тушуна олиш учун диний кўмита томонидан диний-оммабон журнал ташкил этилиши кераклиги ҳақидаги ўринли мулоҳазани билдиради. Чунончи, ўтмишнинг, хусусан аср бошларида алоҳида ижтимоий ҳодиса бўлган жадидчилик ҳаракатини бутун бир жараён сифатида кузатар эканмиз, худди шу даврларда ҳам диний қарашларда келишмовчиликлар бўлганлиги¹ ва буни бартараф этиш, халққа исломий илмлар ҳақида ҳаққоний тасаввур бериш мақсадида Туркистон уламолари томонидан «Ал-Ислоҳ»² номли журнал нашр этилганлигининг гувоҳи бўламиз. У ўз вақтида даврнинг энг эътиборли журналларидан бири бўлган, Мухаррир томонидан журналга таъриф берилар экан, 1918 йилда нашр этилган биринчи сониде қуйидагича ёзилади: «...Ал-Ислоҳ диний ва дунёвий, саховат ва тарихий йўлида хизмат этажак ўн беш кунлик озода мажалладур»³. Ҳақиқатдан ҳам «Ал-Ислоҳ» журнали Туркистон уламолари жамоатчилиги томонидан ташкил этилган бўлиб, диний-исломий ҳамда дунёвий журналдир. Унда дин тарихи, диний асос, Қуръон ва Ҳадисларни уламолар томонидан ўз даври воқеот ва ҳодисотларига шарият талаблари нуқтаи назаридан татбиқ этиб борилганлигини кўришимиз мумкин.

«Ал-Ислоҳ» журнаlining мақсад ва вазифалари ҳақида фикр юритганимизда унинг вазифаси дастлабки сонларининг ҳар бирида айрим ўзгаришлар билан қайта-қайта бериб борилган⁴. Жумладан, 1915 йил 2-сониде ушбу маълумот қуйидагича баён этилган: «...Ислоҳи замон мусулмонларга диний, дунёвий хизмат қиладургон мажалладур. Ислоҳ мусулмонларни китоб ва суннат тарафига чақирадургон мажалладур. Ислоҳ мусулмонларни номашру ишлардан қутқарадургон мажалладур. Ислоҳ мусулмонларни масалайи фикр ва эътиқоди заруриятдан хабардор қиладургон мажалладур. Ислоҳ уламо ва ағниеларнинг эҳтиломлари ила нашр бўладургон исломий мажалладур»⁵.

Ушбу журналнинг Абдурахмон Содиқ ўғли масбул муҳаррирлиги остида 1915 йил чиқарилган 24 та сони ва 1918 йилда Хўқандлик Мирза Фозил ўғли Муҳаммад Нажиб афанди томонидан чиқарилган 6 та сони борлиги, унинг ҳар сони 32 бетдан иборат эканлиги аниқланиб, бугунги кунда Алишер Навоий номли Республика Давлат кутубхонасининг «Нодир китоблар» бўлимида ПВ-226/23 рақами остида сақланади. Бу ерда шунн ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ал-Ислоҳ журнаlining 1916 йилдаги 23 та сони бугунги кунда шахсий қўллар-

¹ Ибрат И. Меъзон ул замон. ЎЗР ФАШН. Қ-инв. № 11618. 10—25-бетлар; Ибрат И. Тарихи маданият. ЎЗР. ФАШН. Қ-инв. № 10117. 111-бет.

² Ўз МДК. Нодир китоблар бўлими, инв. № ПВ-226/23.

³ Идора. Ал-Ислоҳ вазифаси/Ал-Ислоҳ. 1918. 1-сон. 1-бет.

⁴ Ўша асар. 1915. 1-сон. 1-бет. Ўша журнал 1916. 24-сон. 1-бет.

⁵ Ўша асар. 1915. 2-сон. 1-бет.

да, яъни Нурбой Жабборов⁶ шахсий кутубхонасида сақланади⁷. Ислоҳ журналининг 1918 йилдаги 6 та сони ҳар бири 16 бетдан иборат бўлиб, Асқархон Пахлавонов номли нашриётда нашр қилинган⁸. Шунингдек, «Ал-Ислоҳ» журналининг ҳар бир сони охирида муҳаррир томонидан мақола ёзувчиларга мурожаат, талаб ва истаклари баён этилган⁹. Биринчи марта эса 1915 йил 14 январдан Тошкент шаҳрининг Ўрда даҳасида Абдурахмон Содик ўғли муҳаррирлигида, ҳамда, шоёрлигида Яковлев типо-литографиясида чоп этила бошлаган¹⁰. Ушбу журналнинг дастлабки сонлари нашрдан чиқар экан, бу ҳақда «Садойи Фарғона» рўзномасида эълон қилинган «Янги асар» номли мақолада қуйидагича маълумотлар берилади: «...Ўтган ойларда (Вақт), (Юлдуз) газиталарига Туркистонда чиқадурган диний газита ва журналлардин кўрқуб, зорланиб ёзиб юрганликларни газита ўқугучиларни маълумларидир. Мана шу чиқмасдан аввал шўхратигинаси баъзиларни кўрқутган журналдан бириси Тошкентда «Ал-Ислоҳ» исминда нашр бўлиб, биринчи нўмири китобчиларга келгани маълум эди. Мана энди тўртинчи февралда иккинчи нўмири нашр ўлиниб, шул иккинчи нўмридан бир нусхаи идорамизга келди. Бу журнал 32 саҳифада битта қаламда, қоғози кўп яхши, ҳам ерли тилли, Туркистон шевасида бўлиб, туркистонликлар учун кўп марғуб журналдур. Масъули нашр ва маҳри сиёҳ Абдурахмон ибн Содик жанобларидур»¹¹. Ҳақиқатдан ҳам 1915 йилдан чиқа бошлаган «Ал-Ислоҳ» журналининг бир йилда 24 та сони нашр этилган, ҳамда Туркистон мусулмонлари орасида алоҳида эътиборга сазовор бўлган.

«Ал-Ислоҳ» журнали билан ўз вақтида мустамлакачи ҳукумат махфий полицияси ҳам шуғулланган¹². Бу журнал бугунга қадар махсус илмий тадқиқот манбаи сифатида ўрганилмаган. Шўро тарихшунослигида бу журнал ҳақидаги дастлабки маълумотлар А. К. Боровков, З. Ражабов, Н. Абдуазизова рисолаларида келтирилган бўлиб, муаллифлар ўз тадқиқотларида ушбу маълумотларни ҳукмрон коммунистик мафкура талаблари асосида атеистик нуқтаи назаридан баҳолаганлар, ҳамда уни диний-хурофий журнал сифатида талқин қилганлар¹³. Жумладан, Н. Абдуазизова ўз рисоласида «Ал-Ислоҳ» журнали Тошкентдан чиқадиган бирдан-бир диний-хурофий, нашрий журнал бўлиб, «Уламо» жамиятининг органи* эканлигини таъкидлайди¹⁴.

* Н. Жабборов Ўзбекистон фидокорлар миллий демократик партиясининг «Фидокор» рўзномаси муҳбири, журналист.

⁷ Муаллиф манба эгаси руҳсати билан ушбу журнал ҳақида илмий библиография ахборот ва журнал мундарижасини тузиб чиққан, бу унинг қўлида сақланади.

⁸ Ал-Ислоҳ. 1918. 1-сон. Ўз. МДК. инв. № ПВ 276/1—23.

⁹ Идора. Эътироз//Ал-Ислоҳ. 1915. 1-сон. Орқа муқовада. Таҳририят//Ал-Ислоҳ. 1915. 1-сон. 32-бет.

¹⁰ Идора. Ал-Ислоҳ вазифаси//Ал-Ислоҳ. 1915. 1-сон. 1-бет.

¹¹ Имзосиз. Янги асар//Садойи Фарғона. 1915. 12 фев.

¹² ЎзР МДА. 461-фонд, 1-рўйхат, 1784-иш, 5-варақ.

¹³ Боровков А. К. Узбекский литературный язык в 1905—1917 г. Ташкент. 1940; Ражабов З. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа. Сталинабад, 1951. С. 409; Абдуазизова Н. Печать и строительство социализма. Ташкент. 1977. С. 38.

* Восита, қурол, дастак.

¹⁴ Абдуазизова Н. Ўша асар. 37-бет.

Лекин, бугунги кунда олиб борилган тадқиқотлар натижаси «Ал-Ислох» журнали «Уламо» жамиятининг органи бўлмай, балки тошкентлик уламолар жамоатчилиги томонидан чиқарилганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, «Уламо» жамиятининг нашр афғори эса Т. Қозоқов келтирган маълумотга кўра, «Ал-Изоҳ» журнали бўлган.¹⁵ Бинобарин, «Шўрон Уламо» жамияти 1917 йил июнь ойида тузилган бўлса¹⁶, «Ал-Ислох» журналининг биринчи сони 1915 йил 15 январда нашр этилган¹⁷.

Уламолар жамият ҳаётидаги муаммоларга шарият нуқтаи назаридан баҳо берганлар, шунинг учун диний асос диний таълимот ва дин тарихига оид мақолалар кўплаб учрайди¹⁸. Жумладан, Олимхон Тўра исмлик муаллиф ўзининг «Арватул восиқий»¹⁹ номли мақоласида гумон қилишнинг гуноҳ эканлиги ҳақида фикр юритади. Бу ҳақда мақолада қуйидагича берилган: «Масъалан, фасод ва бузуғулиги очик бўлинган кишига яхши сувратда, яъни оқ чонон ва катта салла ила ўлғонлигига қараб, хусни зан қилиб, они ҳийла ва фасодларига ўзини гирифтор этмак дуруст эмас»²⁰ ёки бўлмасам: «бир-бирингизнинг ботиний вақхний ҳолларингиздан жосуслик этмангизлар ва бир-бирларингиз орқаларингиздан айбжулик этмангизлар»²¹ — деб фикр юритади. Шунингдек, бундай ҳолларда бозор аҳли хиёнатларини тафтиш этиш мумкинлигини айтиб, ўз фикрини ҳадислар орқали исботлаб кўрсатади. Мақола сўнига ҳадисларга асосланиб, бир-бирларингиз қонингизни тўкманг, бир-бирингизни молингизга хиёнат қилманг, бир-бирингизни обрўларингизни тўкманг, бу кунда бу баландингизда, бойингизда нечук ҳаром эса, ҳар замонда сизлара ҳаромдир²² деб васият қилганликлари, шунингдек, инсонлар оқибат Аллоҳга қайтиши, Аллоҳ амри билан қилинган ушбу васиятларни ҳар бир мусулмоннинг олий вазифаси деб билиб Аллоҳ ва расулиллоҳ ҳаққига садоқатли ва имонатли бўлишга жаҳд қилгандагина ислом оламининг ҳақиқий умматлари бўлиши ҳақида фикр юритади²³.

Шунинг билан бир қаторда журналда мусулмон ахлоқига оид мақолаларга ҳам кенг ўрин берилган²⁴. Жумладан, «Ислоҳи қавм»²⁵

¹⁵ Қозоқов Т. «Ал-Изоҳ» журнали тарихий манба сифатида//Ўзбекистон тарихи. 1999. 4-сон.

¹⁶ Уша жойда.

¹⁷ Ал-Ислох. 1915. 1-сон. 1-бет.

¹⁸ Мухаррир. Мувожот//Ал-Ислох. 1915. 1-сон. 2—5-бетлар; Садриддинхон. Амри маъруф ваҳийининг фореяти//Ал-Ислох. 1915. 2-сон. 3—35-бетлар; Имзосиз. Муҳаммад Алайҳиссаломнинг туғилишлари//Ал-Ислох. 1915. 2-сон. 38—40-бетлар; Зухриддин Фатхиддинзода Бухорий. Вазонфи инсония муқаддаси инсон//Ал-Ислох. 1915. 7-сон. 221—223-бетлар; А.М.Т. Фаизлати илми диния ва асли ислом//Ал-Ислох. 7-сон. 235—236-бетлар; Бухородан. А. Муфтизода. Дин назаринда тақфир, тазлим, таълим//Ал-Ислох. 1915. 15-сон. 464—466-бетлар.

¹⁹ Тўқмоқ Олимхон Тўра. Арватул-восиқий//Ал-Ислох, 1916. 2-сон.

²⁰ Уша жойда. 37-бет.

²¹ Уша жойда.

²² Уша жойда. 39-бет.

²³ Уша жойда.

²⁴ Зухриддин Эшонхон Қозизода. Танбия//Ал-Ислох. 10-сон. 305—311-бетлар; Идора. Мусаллаас хусусинда саволлар//Ал-Ислох. 1915. 13-сон. 408—409-бетлар; Марғилолик Ал-Ваҳҳоб қори. Мусаллаас хусусинда саволина бир печа жавоблар

лар ва шаҳарлар тортиб олинди. Улар ўзларининг кичик-кичик дасталари билан тоғу тошларда, дашт ва адирларда курашни давом эттирдилар. Етти йиллик тинимсиз муҳорабадан чарчаган истиқлолчиларнинг аксарият қисми 1923 йилнинг охири ва 1924 йилнинг бошларига келиб, қуролни ташлашган мажбур бўлдилар.

Шундай бўлишига қарамасдан, Туркистон минтақасидаги мустақиллик учун кураш бир дақиқа ҳам тинмади. Тарихчи Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, 1924 йил 1 майда фақат Фарғона водийсида 70 та кичик қўрбоши дасталари қизил аскарларга қарши уруш олиб бордилар¹². 1924 йилнинг охирларига келганда Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи даври якунланди. Етти йил давом этган озодлик кураши жараёнида истиқлолчилар ўз фидойилıkları ва катта қўрбонлар бериш эвазига қизил армия қисмларини доимо таҳликага солиб турдилар. Ўлкадаги большевик режими ўзининг бутун куч-ғайратини истиқлолчилик ҳаракатини тор-мор қилиш ва уни бутунлай тугатишга сафарбар қилди. Туркфронт қўмондонлиги томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати вақтинчалик мағлубиятга учради.

Собиқ Бухоро амирлиги ўрнида ташкил топган Бухоро Республикасидаги мужоҳидлар¹³ ёхуд истиқлолчилик ҳаракатининг биринчи даври (1920—1924 йиллар) ҳам мустақил уч босқичга бўлинади.

Биринчи босқичда (1920 йил кузи — 1921 йил октябрь) собиқ амирлик ҳудудида мужоҳидлар ҳаракати бошланди. Дастлаб Шарқий Бухорода юзага келган ушбу ҳаракат тез орада бутун Бухоро Республикаси ҳудудини қамраб олди ва дастлабки порлоқ ғалабаларга эришди. Қизил аскарларга қарши курашни олдиниға Бухоронинг собиқ амира Саид Олимхон бошқаришга уринди. Бироқ 1921 йил мартда у Шарқий Бухоро ҳудудидан Афғонистон давлатига ўтиб кетди. Мужоҳидлар қўшинига Шарқий Бухорода Иброҳимбек Лақай, Бухоро, Қармана, Нуротада эса Мулла Абдулқаҳҳор қўрбошилар раҳбарлик қилишди.

Ҳаракатнинг иккинчи босқичи (1921 йил ноябрь — 1922 йил август) унинг энг кучайган даври бўлиб, бу туркиялик машҳур саркарда Анвар Пошонинг Бухорога келиши билан бевосита боғлиқдир. Мужоҳидлар бу пайтда деярли бутун Шарқий Бухорони (Тожикистоннинг ҳозирги пайтдаги пойтахти Душанбени ҳам) қизил аскарлар қў-

¹² Dr. Baymirza Hayit. «Basmachi» Nationaler Kampf Turkistans in den Jahren 1917 bis 1934. Köln, 1992, S. 365.

¹³ «Мужоҳид» — сўзининг луғавий маъноси «эътиқод учун курашувчи киши» демакдир. «Мужоҳидлар» деб ўша пайтда Туркистон, хусусан, Бухородаги қизил армияга қарши курашган кишиларини айтилган. Архив ҳужжатларида келтирилишича; фақат нуфузли шахсларнинг тавсияси билан қўшинга қабул қилинган кўнгилчилар мужоҳидлар деб аталган. Асримиз бошларида босқинчи қизил армияга қарши курашган фидойи мужоҳид боболаримизни Афғонистонда ҳозир ҳам бир-бирига қарши жанг қилаётган турли мужоҳид гуруҳлари ва ислом дини нуқоби остида фаолият кўрсатаётган айрим «мужоҳидлар» билан чалқаштириб юбормаслик лозим.

лидан озод қилишди. Душанбе, Қўлоб, Қўрғонтепа, Ҳисор, Денов, Шеробод, Бойсун шаҳарлари уларнинг тасарруфига ўтди. Қизил аскарлар ихтиёрида фақат Янги Термиз шаҳри ва Бойсун гарнизонига сақланиб қолди. Ғарбий Бухородаги мужоҳидлар ҳам Мулла Абдулқаҳҳор бошчилигида республика пойтахти Бухоро шаҳрининг катта қисми ва унинг атроф туманларини эгалладиларки, бу воқеа истиқлолчилик ҳаракати тарихига зарҳал саҳифалар бўлиб ёзилди.

Бухоро Республикасидаги мужоҳидлар ҳаракатининг Туркистондан, хусусан, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдори бўлган мужоҳидлар жадидлардан иборат ёш Бухоро ҳукуматига ва шунингдек, босқинчи қизил армия қўшинларига қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг пировард мақсади Бухорои шарифда амир Саид Олимхоннинг ҳокимиятини қайта тиклаш, қизил аскарлар ва коммунистлар билан биргаликда, уларнинг таъбирича «кофирларга сотилган жадидлар ҳукумати»ни ҳам йўқотиш эди (Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва б.). Иккинчи томондан, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро Республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва б.). Айнан улар сафига кейинчалик Бухоро жумҳуриятининг жуда кўпчилик раҳбарлари (Бухоро МИКсининг биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, ЧК раиси Муҳиддин Махсум Хўжаев, республика милициясининг бошлиғи Али Ризо афанди, Шеробод вилояти нозирини Ҳасан афанди, Термиз милициясининг бошлиғи Усмон афанди, туркман кўнгилли аскарларининг бошлиғи Қулмуҳамедов, ғарбий ишлар нозирини Абдулҳамид Орипов, шунингдек, Сурайё афанди, Дониёлбек ва б.) қўшилдиларки, бу арбобларнинг аксарияти кечаги жадидлар ва ёш бухороликлар эди.

Бухородаги бу ҳаракат Анвар Пошонинг келиши билан ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди¹⁴.

Бутун Туркистон ҳудудида большевиклар ва шўроларга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирилди. Шу вақтда Бухоро, Фарғона, Хоразм қўрбошиларининг учрашувлари мунтазам ўтказилиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди. Анвар Пошо билан Шермуҳаммадбек ва Жунайидхон ўртасида доимий равишда ўзаро алоқалар бўлиб турган.

Анвар Пошо вафотидан сўнг (1922 йил 4 август)¹⁵ бу ҳаракат

¹⁴ Қаранг: ЎЗР МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 114-варақ.

¹⁵ ЎЗР МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 312-варақнинг орқаси — 313-варақ.

«яхлит бир уюшган сиёсий кураш» даражасидан оз бўлса-да пастга тушди.

Бухоро Республикасидаги мужоҳидлар ҳаракатининг учинчи босқичида (1922 йил сентябрь — 1924 йилнинг охири) ҳарбий ҳаракат асосан икки йўналиш: Шарқий Бухорода Иброҳимбек бошчилигида¹⁶ ва Ғарбий Бухорода Мулла Абдулқаҳҳор етакчилигида кечди¹⁷. Бу пайтда Иброҳимбек, Салим Пошо¹⁸, Мулла Абдулқаҳҳор ҳаракатга умумий равишда раҳбарлик қилдилар. Шарқий Бухородаги қўрбошилари бирлаштирувчи куч яна Иброҳимбек сиймосида намоён бўлган бўлса ҳам улар билан Бухоро ва Қармана (Ғарбий Бухоро), Қашқадарё ва қисман Сурхондарё (Ўрта Бухоро) вилоятларидаги мужоҳидлар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормадилар. Аниқроқ қилиб айтганда Бухоро Республикасидаги ватанпарварлар доимо ҳам ягона бир қўмондон қўли остида ва яхлит бир дастур асосида фаолият юрита билмадилар.

Хива хонлиги ҳудуди ва Хоразм Халқ Республикасидаги ватанпарварлар ҳаракати эса ўзгача шароитда кечди. Бу ердаги танг сиёсий вазият, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви кураш жараёнига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Туркман уруғларидан бири бўлган ёвмутиларнинг етакчиси Қурбон Мамед Сардор — Жунайидхон Хоразмда Россиянинг мустамлакачилик сиёсатиға қарши олиб борилган курашға етакчилик қилди. Шунингдек, амалда Хива хонлигининг мутлақ ҳукмдорига айланган Жунайидхон барча давлат лавозимларига ўз кишиларини тайинлади. Хива хонлиги ва собиқ хонлик ўрнида ташкил топган Хоразм Халқ Республикасида босқинчи қизил армия қисмларига қарши олиб борилган кураш бир-бирдан мустақил уч даврга бўлинади. Биринчи давр 1918 йил ўрталаридан бошлаб то 1920 йил бошларигача давом этди. Бу пайтда Жунайидхон бошчилигидаги сарбозлар Туркистоннинг Амударё бўлимида (аслида хонлиkning аввалги ҳудудида) жойлашган қизил аскарларға қарши ҳужумлар уюштириб туришди. Бу жангларда Жунайидхоннинг йигитлари бўлғуси курашлар учун машаққатли синовдан ўтишди. Жунайидхон Хивада ҳукмронлик қилган даврда (1918 йил ноябрь — 1920 йил январь) Хива хонлиги амалда мустақил давлатға айланди. Жунайидхоннинг қаттиққўл сиёсати бунда муҳим роль ўйнади.

Бироқ, 1919 йил ноябрь — 1920 йил январь ойда бўлган кескин жанглар натижасида Жунайидхон қўшини мағлубиятға учради. 1920 йил 2 февралда Хивада хонлик тузуми ағдариб ташланиб¹⁹, 1920 йил апрелда Хоразм Халқ Республикаси ташкил топди. Полковникёз Ҳожи

¹⁶ Қаранг: УЭР МДА. 48-фонд, 1-руйхат, 48-иш, 627-варақ ва унинг орқаси.

¹⁷ УЭР МДА. 48-фонд, 1-руйхат, 171-иш, 124-варақ; 48-иш, 627-варақ.

¹⁸ РДХА. 895-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 218-варақ; УЭР МДА. 59-фонд, 1-руйхат, 84-иш, 28-варақ.

¹⁹ Қаранг: Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Т. II. Алма-Ата: Наука, 1964. С. 491—495.

Юсупов бошчилигидаги Ёш хивалик жадидлар ҳокимият тепасига келишди.

Босқинчи қизил армияга қарши ватанпарварлар курашининг иккинчи даври унинг энг шиддатли қисмини ташкил этиб, ўз ичига 1920—1924 йилларни олади. Ўз навбатида бу давр ҳам уч босқичга бўлинади. Биринчи босқичда (1920 йил баҳори — 1921 йил март) мағлубиятга учраган Жунайидхон ўз қўшинлари сафини қайтадан тўлдирди, ўзига янги иттифоқчилар излади. Жунайидхоннинг адолатли сиёсатидан рози бўлган нафақат туркманлар, балки ўзбеклар, қорақалпоқлар, қozoқлар ҳам унинг лашкарига келиб қўшилди. Бу пайтда Хоразм жумҳурияти раиси бўлган П. Юсупов билан Жунайидхон ўртасида айрим масалаларда келишувга эришилди, натижада сардорнинг йигитлари фаол жанг ҳаракатларидан ўзларини чеклаб туришди. Бироқ қизил аскарларнинг 1921 йил мартда ўтказган навбатдаги давлат тўнтаришидан кейин Хоразм Республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазият янада кескинлашди, кураш шафқатсиз ва шиддатли тус олди.

Иккинчи босқичда (1921 йил баҳори — 1923 йил кузи) Жунайидхон йигитларининг қизил аскарларга қарши кураши сезиларли даражада жонланди. Хусусан, 1922 йил кўкламда Жунайидхон Хоразмда ўз фаолиятини кучайтирди. Бу пайтда унинг қўл остидаги 15000 мужоҳид қизил аскарларга қарши бўлган жангларда қатнашди. 1922 йил апрель ойида Порсу ва унинг атрофлари, кўҳна Урганч ёнидаги қишлоқлар босқинчи аскарлардан озод қилинди²⁰. Бироқ ҳал қилувчи жанглар Қорақумнинг бепоён қумларида бўлар эди.

Учинчи босқичда (1923 йил октябрь — 1924 йил охири) Хоразмдаги ватанпарварлар кураши ўзининг энг баланд чўққисига чиқди, авж нуқтасига кўтарилди. Хоразм Республикаси ҳукуматининг «социалистик» қурилиш йўлига ўтиш тўғрисидаги кескин янги сиёсатидан порози бўлган барча кишилар мужоҳидлар сафини тўлдирди. Мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмларида бир қатор сардорлар ҳаракатни авж олдиришди. Жунайидхон қўлида бу пайтга келиб катта миқдордаги ҳарбий куч тўпланди.

1923 йил декабрь ойида Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида совет ҳокимиятига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар ушбу жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунайидхон қўшинлари ҳам Ғарб томондан келиб, бир вақтнинг ўзида шаҳарни қуршаб олишди (1924 йил январь-февраль). Бироқ, 1924 йил март-апрель ойларида бўлган жанглар натижасида фақат авиациянинг ёрдами билангина Қорақумдаги Жунайидхон қўшинларининг асосий қисми тор-мор келтирилди²¹.

1924 йил ноябрь ойида совет ҳокимияти вакиллари билан Жунайидхон ўртасида музокаралар бошланди. Совет ҳокимиятига қарши 7 йилдан буён тинимсиз кураш олиб бораётган Жунайидхон ўз кучла-

²⁰ ЎзР МДА. 71-фонд, 1-руйхат, 35-иш, 1-варақ.

²¹ ЎзР МДА. 71-фонд, 1-руйхат, 42-иш, 24-варақ.

рини сақлаб қолиш учун музокаралар самарали тугашидан манфаатдор эди. Ниҳоят, узоқ давом этган музокаралардан кейин Жунайидхон совет ҳокимияти вакилларига таслим бўлди²².

Шундай қилиб, Хоразм Республикасидаги мужоҳидлар ҳаракати 1924 йилнинг охирида асосан тор-мор қилинди. Ҳаракатнинг иккинчи даври ҳам поёнига етди. Лекин Хоразмда ҳам, Бухорода ҳам, ҳатто Фарғона водийсида ҳам кураш ҳали давом этар эди. 1924 йилнинг охирида Туркистон минтақасида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари тугатилиб, уларнинг ҳудуди Ўзбекистон Республикаси (таркибида 1929 йилгача Тожикистон автоном Республикаси ҳам бўлган) ва Туркменистон Республикаси шунингдек, Қорақалпоғистон Мухтор вилояти таркибига киритилди.

Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг иккинчи даври 1925—1935 йилларни ўз ичига олади. Курашнинг иккинчи даври 10 йил давом этиб ўзининг характери ва кучлари нисбати жиҳатидан биринчи даврга нисбатан анча фарқ қилади. Бу даврда асосан Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўнлаб қўрбоши дасталари мавжуд бўлиб, улар имкониятлари доирасида мавжуд тузумга қарши кураш олиб бордилар. Фарғона қўрбошилари-нинг сўнгги умумий етакчиси Ермат Махсум эди. Тожикистонда Иброҳимбек, Туркменистонда Жунайидхон бошчилигида қизил аскарларга қарши миллий истиқлол жанглари олиб борилди.

Ўз навбатида иккинчи давр ҳам бир-биридан ўзаро фарқланувчи мустақил тўрт босқичга бўлинади.

Биринчи босқич 1925—1926 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда кураш асосан Шарқий Бухорода Иброҳимбек етакчилигида²³ ва Фарғона водийсида кечди. Хусусан, Иброҳимбек йигитлари қизил аскарларга қарши шиддатли жанглар олиб боришди. Лекин кураш аста-секин пасая бошлади. Қарийб 10 йил давом этган тинимсиз жанглardan улар чарчашган эди. Мужоҳидларнинг кўпчилик қисми ўз сардорлари етакчилигида Афғонистон давлатига ўтиб кетгач, жанглар деярли тўхтади.

Ҳаракатнинг иккинчи босқичи ўз ичига 1927—1929 йилларни олган бўлиб, бу пайтда фақат айрим жойларда жуда кичик қўрбоши дасталари ўз ҳолича совет режимига қарши курашга кўтарилди. Энг катта жанглар Жунайидхон Туркменистонда 1927 йил 19 сентябрда қўзғолон кўтаргач, юз берди. 1929 йилда жанг ҳаракатлари фаоллашди²⁴. Бироқ бу босқич ҳаракат тарихининг энг сокин кечган даври бўлиб, гўё қақшатқич жанглар олдида бўлажак дахшатли сукунатни эслатар эди.

Ҳаракатнинг учинчи босқичи 1930—1931 йиллардан иборат бўлиб, кураш қайтадан шиддатли тус олди. Ўзбекистонда 20-йилларнинг

²² Қарағ: ЎЗР РПАА, 361-фонд, 1-руйхат, 426-иш, 106-варақ.

²³ Пограничные войска в СССР. 1918—1928. Сборник документов. М., 1973. С. 700.

²⁴ Пограничные войска в СССР. 1929—1938. Сборник документов. М., 1972. С. 145.

охирига келиб, коллективлаштиришнинг мажбурий суратда амалга оширилиши ва зўравонлик йўли билан деҳқонларнинг колхозларга киритилиши натижасида истиқлолчилик ҳаракати қайтадан гуриллаб аланга олди. 1930 йил Фарғона водийсида ўнлаб қўрбоши дасталари ҳаракат қилган²⁵. Бу пайтда Фарғона қуроли муҳолифатининг асосий манзили тоғлар орасидаги Сўх тумани эди. Сўх тумани уч республика: Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон чегаралари кесишган ўринда жойлашган бўлиб, стратегик мавқеига кўра бу ердан бутун Фарғона водийсини назорат қилиб туриш имконияти мавжуд эди.

Учинчи босқичда Тожикистонда Иброҳимбек бошчилигида жанглар қайтадан авж олди. 1931 йил 23 июнда Иброҳимбекнинг совет чекистлари томонидан қўлга олиниши билан²⁶ курашнинг шиддаткор кўлами анча тушиб кетди. Туркменистонда Жунайидхон етакчилигидаги муҳождлар ҳам ҳаёт-мамот жанглари олиб боришди. 1931 йил 4 майда унинг ўғли Эшим бошчилигидаги гуруҳ Хива туманига келиб, қўзғолон кўтарди²⁷. Лекин Сардорнинг Эрон орқали Афғонистонга 1931 йилда бутунлай ўтиб кетиши бу ерда ҳам жанг ҳаракатларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Курашнинг сўнгги тўртинчи босқичи 1932—1935 йилларни ўз ичига олиб, бу пайтда у аста-секин пасайиб, жанг ҳаракатлари тина бошлади. 1933—1935 йилларда Қорақумда Дурди Мурод ва Аҳмадбек²⁸, Фарғона водийсидаги Сўх туманида Жийлон қўрбоши аскарларга қарши курашди. Муҳождларнинг аксарият қисми мустақиллик жангларида шаҳид бўлди, уларнинг айримлари асир тушишди ҳам. Тирик қолган ватанпарварлар эса хорижий давлатларга муҳождир бўлиб жўнаб кетишга мажбур бўлишди. Манбаларда бундай одамларнинг миқдори 1 млн. киши атрофида келтирилади.

Шундай қилиб, қарийб 20 йил давом этган миллий истиқлол кураши фақат 1935 йилга келиб Туркистон минтақасида бутунлай мағлубиятга учради. Бироқ истиқлол жанглари 1991 йилда Марказий Осиё республикаларининг давлат мустақиллигига эришишлари учун пухта замин тайёрлади. Туркистон истиқлоли йўлида ёвқур боболаримизнинг тўкилган қутлуғ қонлари беҳуда кетмади.

²⁵ Қаранг: ЎзР МДА. 86-фонд, 3-руйхат, 149-иш, 47—51-парақлар.

²⁶ Пограничные войска в СССР. 1929—1938. С. 197—199.

²⁷ Там же. С. 188.

²⁸ Там же. С. 251.

С. Шодмонова

ТУРКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ УЧУН КУРАШ МАСАЛАЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

Туркистон халқларининг истиқлол учун курашлари тарихини ўрганиш вазифаси ватан тарихшунослигида фақатгина мустақиллик давридагина кун тартибидан жой олди. Тарихимизнинг янги, илгари биз билмаган ёки нотўғри тасаввур этган саҳифаларини тиклаш, аждодларимизнинг ўз эрки ва Ватан озодлиги учун олиб борган истиқ-

лол курашлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатни англаб етиш имкониятига биз фақатгина истиқлол шароитида эга бўлдик. Бунга қадар, яъни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қўлга киритилгунга қадар ҳукм сурган мустабид тузум шароитида истиқлол, Ватан озодлиги, миллат эрки ҳақидаги тушунчалар нафақат тарих фани, балки жамият тафаккури учун ҳам «бегона» тушунчага айлантирилган бўлиб, бу ҳақда сўзлаш ёхуд фикр билдириш мутлақо мумкин эмас, аниқроғи фожияли тугар эди. Шу сабабли ҳам шўро даврида Ватан истиқлоли, миллат озодлиги, мустақиллик учун Туркистон халқлари олиб борган кураш воқеаларини ҳаққоний акс эттирувчи ҳар қандай манба жамоатчилик эътиборидан четлатилди. Айниқса, Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустабид шўролар ҳокимиятининг зўравонлигига қарши 1918—1934 йилларда олиб борилган курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ошкор этувчи манбалар мутлақо яширилди, кези келганда ҳеч иккиланмай сохталаштирилди ва шўро мафкурачиларининг «босмачилик» ҳақидаги эртақларини «асослаш» учун «тиркалди». Мустақиллик туфайли қарор топган ошкоралик, ҳурфикрлилик шароитида уларни илк бор жамоатчиликка етказиш, илмий истеъмолга киритиш мумкин бўлган юзлаб фактларни битта мақолада келтириш имкони бўлмаса-да, улардан айрим парчалар келтириш мумкин. Чунончи, шўролар ҳокимияти «босмачилик» деб таърифлаган ҳаракат сабабларини ўша давр замондошларидан 1918—1921 йилларда Еттисув вилояти ишлари бўйича махсус комиссар бўлиб хизмат қилган Г. Сафаров шундай таърифлаган: «Босмачилик ҳаракати бир томондан миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураш асосида, «Қўқон мухторияти» барбод этилиши ва мустамлакачилик тартибсизлиги натижаси сифатида вужудга келган бўлса, бошқа томондан мамлакат пахта хўжалигини хароб қилган, ўзбек-сарт буржуазиясини бойлигидан, мардикорлар, чорикорлар ва оддий ишчиларни ҳар донмиги иш ҳақларидан маҳрум қилган иқтисодий инқироз ва очлик асосида вужудга келди»¹. Г. Сафаровнинг бу фикрларини бошқа замондошлари ҳам тасдиқлаганлар. Чунончи, Фаргона вилояти ҳарбий инқилобий қўмитаси раиси Ю. Кириш ўша давр матбуотида бўлиб ўтган «босмачилик»ни қандай тугатиш керак деган мавзудаги мунозарада ёзган ўзининг мақоласида шундай деб ёзган: «Босмачилик Фарғонадаги мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир... Босмачилик ҳозир ҳам ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Озиқ-овқат ташкилотларининг жойлардаги номаъқулчиликлари, ҳарбий қисмларнинг ўз-ўзини «таъминлаши», (маҳаллий аҳолини талаш ҳисобидан таъминлангани назарда тутилган — *С. III*) ғалла монополиясининг жинойий йўл билан амалга оширилиши, тақсимот эса садақа тусини олиши чарчаган «босмачи»ларга куч беришти, янгиларини пайдо қилляпти, чунки барча мажбурият, огирлик улар елкасига юк бўляпти...»².

¹ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). Пг. 1921. С. 90—91.

² Кириш Ю. Мечты и действительность. М., 1921. 31 января.

Бундай ҳаққоний эътирофлар 20-йиллар бошидаги матбуотда ўнлаб учрайди. Аммо тарихий ҳақиқатни ошкор этувчи бу ҳаққоний эътирофлар шўро тарихшунослигида илмий истеъмолга киритилмади. Улар ўрнига Туркистон халқларининг ўз эрки, истиқлоли учун олиб борган курашларини зўрлик билан бостирган қизил армия аскарлари, қўмондонларининг бир ёқлама хотиралари асосида шўро тарихшунослигининг «босмачилик» ҳақидаги сохта концепцияси тўқилди.

Лекин ўз ватанида яширилган, қораланган тарихий ҳақиқат хориждан ошкораликка йўл излади. 20-йиллар охири 30-йиллар бошидаёқ хорижий тарихшуносликда, хусусан, немис ва турк тарихшунослигида Туркистон тарихининг жуда кўп масалалари қатори, аждодаларимизнинг озодлик учун олиб борган курашлари ҳам ўзининг ҳаққоний талқинини ола бошлаган эди, чунки Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустабид тузум қувғинларидан чет элга қочиб жон сақлашга мажбур бўлган М. Чўқаев, Аҳмад Закий Валидий, Шермуҳаммадбек каби муҳожирлар ўз хотираларини хорижда илк бор айнан шу тилларда ёзиб, эълон қилдилар.

Чунончи, Мустафо Чўқаевнинг эълон қилинган «Босмачилик» номли мақоласида «босмачилик» миллий ҳуррият учун ва шўролар ҳукуматининг мустамлакачилик зўравонлигига қарши умумий бир миллий ҳаракат каби вужудга келганини алоҳида таъкидлаган³. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, хорижий тарихшуносликда ва матбуотда Туркистондаги «босмачилик» деб қораланган ҳаракатлар «муҳоҷид»лар ҳаракати сифатида баҳоланган. Масалан, «Янги Туркистон» журналида «1930 йил июль Қармана ва Нарпайда 46 муҳоҷид маҳкамда суд қилинди...»⁴ деб хабар қилинган.

Аҳмад Закий Валидий Тўғонинг 1950—1960 йилларда эълон қилинган хотираларида ва бошқа тадқиқотларида «босмачи» атамасини қўлласа-да, бу ҳаракатни миллий ҳаракат сифатида баҳолайди. У «Бугунги турк эли ва унинг яқин тарихи» асарида Шермуҳаммадбекнинг хотираларига таяниб, халқ «уларни ва улар бир-бирларини «қўрбоши» деб атаганларини» ёзади⁵.

Шарқий Бухоро истиқлолчиларидан Мирза Пирнафас ўз хотираларида шундай ёзган: «Ватанда босмачи сўзи фақат руслар даврасида айтиларди. Биз ўзимизни «қўрбоши» деярд эдик»⁶. Али Бодомчи ҳам Туркистон мустақиллиги ва озодлиги учун курашчиларни «қўрбошилар» деб аташини тўғри бўларди, деб ҳисоблайди. Ва шунинг учун ўзининг китобининг номиини ҳам «1917—1934 йиллар. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар пошо. Қўрбошилар» деб атайди.

1970 йилда Шермуҳаммадбекнинг вафоти муносабати билан

³ Mustafa Chokay. Basmachilik//Yash Turkistan. 1933. № 39. S. 5.

⁴ Уша асар.

⁵ Zeki Velidi. Bugunku Turkistan (Turkeli) ve yakin tarihi. Istanbul. 1981. S. 389.

⁶ Ali Bademchi. 1917—1934. Turkistan Milli istiklal hareketi ve Enver Pasa. Istanbul. 1975. S. 227.

ёзилган Тоҳир Чигатойнинг «Туркистон мужоҳиди Шермуҳаммадбекни йўқотдик» номли мақоласида ҳам шўролар ҳокимиятига қарши курашганларни «қўрбошиллар» деб атаган⁷.

Шўролар ҳокимиятига қарши халқ ҳаракатининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида Тоҳир Чигатой ўзининг Темир ўғли тахаллуси билан ёзган «Туркистонда инқилоб даври» мақоласида шундай ёзади: «Қўқон шахрининг маҳв этилиши билан босмачилик сифатида баҳоланган миллий қўзғолон бошланди»⁸.

М. Чўқай ўзининг «Босмачилик» деган мақоласида истиқлолчилик ҳаракатини қуйидагича характерлайди: «Босмачилик миллий ҳуррият учун ва шўролар ҳукуматининг мустамлакачилигига қарши умумий бир миллий ҳаракат каби вужудга келди»⁹.

Туркистон фожеаларининг жонли гувоҳи, иштирокчиси бўлган муаллифларнинг бундай хотиралари, аниқ кўрсатмалари немис-турк тарихшунослигида Туркистондаги 1918—1934 йилларда истиқлол учун олиб борилган курашлар ҳақида тўғри тасаввурларнинг шаклланишида жуда катта роль ўйнади. 40-йиллардаёқ Туркистон тарихи бўйича немис тарихчилари томонидан яратилган тадқиқотларда бу тарихий ҳақиқат ўзининг ҳолисона баҳосини ола бошлади. Масалан, немис тарихчиси Й. Бензинг ўзининг «Туркистон» асарида қуйидагиларни ёзади: «Турк халқи тез орада алданганликларини ва уларни алдаган большевиклар Туркистонда ўз ажойиб шиорларини эмас, балки босқинчилик (империалистик) мақсадларини амалга оширмақчи эканлигини тушуниб, янги ҳукмронликни қабул қилмади. Қўқон мухторияти ағдарилиши билан туркистонлик партизанларнинг ҳаракати бошланди, бу ҳаракат вақт-вақти билан жуда кенг қулоч ёйди ва буни большевиклар барибир охиригача йўқ қилиб ташлай олмади»¹⁰. Бошқа немис муаллифлари, масалан Р. Олшча ва Г. Кляйновлар ҳам Бензинг фикрини маъқуллайдилар. Улар ўзларининг Туркистон тарихига бағишланган асарида «миллий озодлик ҳаракатининг ёйилиши сабабларидан бири Қўқон мухториятининг ҳукумат томонидан ағдарилиши эди»¹¹, «ҳаракатда бошиданоқ миллий озодлик жиҳати устун эди»¹², деб ёзадилар.

Туркистондаги 1918—1934 йиллардаги ҳаракатнинг номланиши ҳақида тўхталиб, Бензинг яна қуйидагиларни таъкидлайди: «Бу ҳаракат туркистонлик партизанлар ҳаракати эди, «босмачи» термини эса, яъни қароқчи, таловчи руслар ва уларнинг маҳаллий аҳолидан бўлган малайлари томонидан ҳаракатни бадном қилиш мақсадида тарқатилган»¹³.

⁷ Tahir Cagatoy. Turkistan Mucahidi Sher Muhammad Beki kaybebtik// Devlet mecmuase. 1970. № 52. S. 6.

⁸ Temirogli. Turkistanda inkilab Devri//Yash Turkistan. 1931. № 25. S. 26.

⁹ M. M. Chokay. Dekabr hatiralari//Yash Turkistan. 1933. № 39. S. 5.

¹⁰ J. Benzing. Turkistan. Berlin, 1943, S. 28.

¹¹ R. Olzscha, G. Kleinov. Turkestan. Die politische-historischen und Wirtschaftlichen Probleme Zentralasiens. 2 Auflage, Leipzig, 1942, S. 393.

¹² Уша асар. 402-бет.

¹³ J. Benzing. Turkestan. S. 28.

Бензингнинг таъкидлашича, «Қўқон мухторияти ағдарилгандан сўнг, аччиқ тажрибадан кейин бу ҳаракат Россия давлати билан боғлиқ бўлган мухторият тузишни мақсад қилиб қўймади ва уларда битта йўл — миллий мустақиллик учун кураш йўли қолган эди»¹⁴. Дарҳақиқат, Туркистонда Туркистон мухторияти фожеасидан кейин бошланган халқ ҳаракати том маънодаги истиқлол учун кураш эди.

Бу курашнинг ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида Бензинг қуйидагиларни ёзади: «...Бу ҳаракатда аҳолининг ҳамма қатлам ва табақалари... ишсиз ва ерсиз қолган деҳқонлар, бозори касод бўлган шаҳарликлар, мусулмон руҳонийлари ва ниҳоят, туркистонлик зиёлилар қатнашган»¹⁵.

Жаҳон тарихшунослигида ҳозиргача Туркистон истиқлоли учун 1918—1934 йилларда олиб борилган кураш тарихига бағишланган энг йирик тадқиқот ҳам айнан немис ва турк тилларида яратилгандир¹⁶. 1992 йилда немис тилида, 1998 турк тилида чоп этилган бу тадқиқотда Туркистон халқларининг 1917 йилдан то 1930 йиллар ўртасига қадар мустабид шўролар ҳокимиятига қарши курашларининг барча воқеалари даврий изчилликда баён этилади. Асар муаллифининг бу йўналишда қарийб 40 йил давомидаги изланишлари, дунёнинг турли мамлакатларидаги архив ва кутубхона манбаларини, хусусан, Мюнхендаги Бовария Давлат кутубхонаси, Кёльндаги Шарқшунослик фанлари федерал институти кутубхонаси, Буюк Британия миллий кутубхонаси (Лондон), АҚШ конгресси кутубхонаси (Вашингтон), Ҳинд офиси кутубхонаси (Лондон), Гувер номидаги инқилоб ва уруш институти кутубхонаси, Нью-Йорк оммавий кутубхонаси, Кёльн шаҳар ва университет кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси материалларини атрофлича ўрганиш асосида яратилган бу асарида бизнинг ватан тарихшунослиги учун муҳим янгилик бўлган жуда кўп маълумотлар бор. Энг муҳими тадқиқотда ўша давр воқеаларининг бевосита гувоҳи, иштирокчиси бўлган замондошларнинг хотира ва эсдаликларидан кенг фойдаланилган, зеро, ўша даврда муҳожирликда яшаган ватандошларимизнинг бу эсдаликлари улар яшаган мамлакат архив ва кутубхоналари мулкига айланган.

Мазкур асар муаллифи Б. Ҳайит «босмачи» сўзининг келиб чиқишига тўхталиб, «босмоқ» сўзи ҳамон бутун туркий лаҳжаларида айни маънони билдиради ва ҳеч бир ижобий даъватлар уйғотмайди. Машҳур турколог Вилгельм Радловга кўра, «босмоқ» бостирмоқ, сиқилтирмоқ, эзмоқ, истило этмоқ, енгмоқ, босқинчилик қилмоқ демакдир. 1963 йилдаги туркча-немисча лугатга кўра, «босмоқ» сўзи «бирдан ҳужум қилмоқ» сўзига тўғри келмоқда. Айни шаклда «Буюк турк сўзлиги»да ҳам берилади»¹⁷. Боймирза Ҳайит ёзади: «Аслида бу таъ-

¹⁴ Ўша асар. 29-бет.

¹⁵ J. Benzing. Turkestan. S. 29.

¹⁶ B. Hayit. Basmatschi. Nationaler Kampf Turkestan in der Jahren 1917 bis 1934. Koeln. 1992.

¹⁷ B. Hayit. Basmatschi. Nationaler Kampf Turkestan in der Jahren 1917 bis 1934. Koeln. 1992. S. 1.

рифга кўра, «Босмачи» ёрлиғи русларга (шўролар ҳокимияти назарда тутилган — *С. III*) тўғри келади. Ҳеч бир ҳаққи ва ҳуқуқи бўлмаган ҳолда Туркистонни ишғол этиб, одамларни қатл этиб, бутун бойлигини талаган бу империалист кучга бошқа қандай сифат бериш мумкин! Не ёзиққи, сиёсий ва ҳарбий устунликини қўллаб, ўз лақабини мазлум Туркистон мужоҳидларига тақмишдир. Бир уйга босқинчилик қилиб, уй эгаларини ўлдирар, мол-мулкни талон-тарож этиб, орқасидан уй соҳибини «босмачилик»да айблар, бу қайси ҳуқуққа сизар, қайси мантиқ билан изоҳ этила билар»¹⁸. Б. Ҳайит ўз тадқиқотини «Босмачилик» деб аташ сабабини, бу атама истеъмолда кенг ўрнашгани билан изоҳлайди ва «Босмачи» сўзи Туркистоннинг 1918—1934 йиллардаги миллий озодлик курашини англатувчи тушунча сифатида тарих терминологиясига кирганини таъкидлайди. Айни пайтда Б. Ҳайит «Босмачи» тушунчасини фақат русларнинг қўллаган маъносидан қўлламайман¹⁹,— деб алоҳида таъкидлаб ўтади. Кўриниб турибдики, немис ва турк тарихчилари «босмачи» сўзини истеъмолда ўрнашган атама сифатида қўллашган. Лекин унинг моҳиятини мутлақо бошқача ҳаққоний ёритишга уринганлар. Босмачилик сўзи билан бир қаторда «қўрбоши», «мужоҳид», «йигитлар» деган тушунчаларни кенг қўллашгани ҳам масаланинг моҳиятини ҳаққоний акс эттирган.

Юқорида қайд этилган муаллифлар шўролар ҳокимиятига қарши курашнинг бошланишини Туркистон мухториятининг, яъни маҳаллий демократик ҳукуматнинг тугатилиши билан изоҳласалар Боймирза Ҳайит бу воқеа ҳақида шундай ёзади: «Қўқондаги қирғин, шаҳарнинг барбод қилиниши, аҳолининг таланиши, миллий ҳукуматнинг тарқатилиши ва шаҳар ҳимоячиларини таъқиб этиш босмачилик бошланишининг ташқи кўриниши эди»²⁰.

Хорижий тарихшуносликнинг айрим намуналарини юқорида келтирилган таҳлилидан кўринадики, Туркистонда 1918—1934 йилларда шўролар ҳокимиятига қарши олиб борилган курашлар немис ва турк тарихшунослигида 30-йиллардан бошлабқў ўзининг ҳаққоний баҳосини олишга муваффақ бўлган ва бунда бизнинг муҳожир ватандошларимизнинг хотира ва кўрсатмалари муҳим ўрин тутган. Натижада шўро тарихшунослиги 1920—1990 йилларда «Босмачилик» ҳақидаги сохта тарихлар яратилган даврда хорижда бу ҳақда ҳаққоний қарашлар ҳукм сурган.

Бироқ хорижий тарихшуносликда мазкур муаммонинг барча масалалари ўзининг тўлиқ талқинини олган дейиш нотўғри бўлар эди. Чунки бу курашлар тарихига оид архив ҳужжатлари собиқ Иттифоқда сақланар эди.

Мустақиллик туфайли нафақат республикадаги, балки хориждаги манбалардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон

¹⁸ Уша асар. 2-бет.

¹⁹ Уша жойда.

²⁰ Найит В. Уша асар, 59-бет.

тарихчилари хорижий тарихшунослик таҳлиliga жиддий киришдилар, аммо хориждаги манбалар ҳали чуқур ва бевосита ўрганилмади. Айни пайтда хорижлик тарихчилар ҳам Ўзбекистон архивларидаги бой манбалардан беҳабар қолмоқдалар. Бу ҳолат Ўзбекистон тарихчиларининг хорижлик тарихчилар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйишларини, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини жаҳон тарихшунослиги доирасида тикланишини тақозо этади.

Мустабид тузумнинг қатағон сиёсати тарихидан

А. Раҳмонқулова

ШҶРО ТУЗУМИНИНГ 30—50-ЙИЛЛАРДАГИ ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ ВА УНИНГ УСУЛЛАРИ

Президентимиз И. А. Каримовнинг 1999 йил 12 май Фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Қарори Ватанимиз озодлиги ва истиқлол учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузumi даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шахид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганишга, юртимиз тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини ёритишга кенг имконият яратди.

Ўтмишимизни қайта кўриб чиқиш, ҳаққоний тарихимизни яратиш шўро тузумининг 30—50-йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатларини ўрганишни ҳам тақозо этади.

XX асрнинг 30-йилларига келиб шўро тартиботининг мустаҳкамланиши ҳамда шахсга сиғинишнинг кучайиб бориши шароитида собиқ Иттифоқда маъмурий буйруқбозлик тизими шаклланди. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг шаклланиши, тоталитаризмнинг мустаҳкамланиши халқ устидан оммавий зўравонликни кучайтириш эвазига амалга оширилди. Инсонийлик ва демократик принципларини оёқости қиладиган, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўғадиган, оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик ўтказиб, миллионлаб одамларни қириб ташлаган тоталитар тартибот қарор топди. Натижада сталинизм давридаги қатағонлик сиёсати барча ижтимоий табақаларни қамраб олди, ўн миллионлаб одамларга нисбатан қанчадан-қанча қонунсиз хатти-ҳаракатлар, зўрликлар қилинди, улар сургун азобларига, муҳтожликлар ва кулфатларга гирифтор этилди.

Сталинизм давридаги қатағонлик сиёсати нафақат шахсларга, синфлар ва ижтимоий гуруҳларга, балки бутун-бутун халқларга нисбатан ҳам қўлланилди. 1930—1950 йилларда халқларни қатағон қилиш, яъни оммавий депортация қилиш қатағонлик сиёсатининг таркибий қисмига айланди. Депортация (лотинча — «мажбурий кўчириш», «сургун қилиш») сиёсий қатағонларнинг усулларида бири бўлиб, у мавжуд тузумга қарши норозилик кўринишларини бўғиш, миллатлараро можароларни зўрлик билан ҳал қилиш ҳамда халқларни жазолаш сифатида қўлланилди.

Депортация жараёнларининг бошланиши 1920 йилларда асосан казакларнинг кўчирилиши билан боғлиқдир. Уларнинг шўро ҳокимиятига қарши норозилик чиқишларига жавобан, 1920 йилнинг баҳори-

да Кавказдаги учта казаклар станица (қишлоқ)лари кўчирилди. Эгасиз қолган ер фонди эса Ингушетиянинг тоғлик камбағалларига фойдаланишга берилди¹.

Дастлабки оммавий депортациялар коллективлаштириш ҳамда қулоқлаштириш байроғи остида олиб борилди ва 1930 йилларнинг бошларида, айниқса, авж олди. Бирлаштирилган Давлат Сиёсий Бошқарма (ОГПУ) Лагерлар Бош Бошқармасининг (ГУЛАГ) махсус кўчирилганлар бўйича бўлими маълумотномасига кўра, 1930—1931 йилларда мамлакат бўйича умумий сони 1803392 киши бўлган 381026 нафар оила кўчирилди. Урта Осиёдан 6944 нафар оила қулоқ қилиниб, Шимолий Кавказ, Украина, Қозоғистон ва бошқа ҳудудларга сургун қилинди². Улардан иттифоқнинг ишчи кучи етишмаган ҳамда оғир табиий шароитли ҳудудларида мажбурий ишчи кучи сифатида фойдаланилди. Чунки мажбурий кўчириш сиёсати фақат репрессив мақсаддагина эмас, балки алоҳида ишчи кучи етишмаган районларни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш мақсадида ҳам ўтказилган эди. Масалан, 1938 йилнинг бошларига келиб, махсус кўчирилганлардан 353912 киши халқ хўжалигида банд бўлган. Шулардан олтин қазиб чиқариш саноатида — 16818, кўмир қазиб чиқаришда — 37360 металлургия, машинасозлик, кимё руда, вагонсозлик саноатида — 38138, ўрмон саноатида — 62926, Россия Енгил саноат ХК ва Маҳаллий саноат ХК тизимида тўқимачилик ва бошқа соҳаларда, маиший-хизмат корхоналари — 5166, собиқ Иттифоқ Ер ишлари ХКда; чорвачиликда — 19105 киши, қолганлар майда хўжалик ташкилотларида ишлашган³.

Шўро давридаги депортация сиёсатининг энг муфассал турларидан бири «чегарани шубҳали унсурлардан тозалаш» бўлиб, бу сиёсат 1930 йилларда собиқ Иттифоқ чегара районларида ҳарбий ҳаракатларининг бошланиши билан кучайди.

1935 йилдан бошлаб, шимоли-ғарбий чегараларни (Карелия ва Ленинград области) тайёрлаш жараёнида финлар, 1936 йилда ғарбий чегаралардан поляклар ва немислар, ВКП (б) МИКнинг 1937 йил 7 июлдаги қарорига кўра, Арманистон Республикасининг чегара районларидан курдлар, ХКС ва МИКнинг 1937 йил 21 августдаги қарорига кўра, Россиянинг Узоқ Шарқ чегараларидан корейслар мамлакатнинг бошқа ҳудудларига кўчирилди. Айниқса, корейсларнинг депортация қилиниши кенг кўламли ҳамда геополитик жиҳатдан аҳамиятлилиги билан ажралиб туради.

Корейслар юридик жиҳатдан 1945 йилгача «маъмурий кўчирилган» деб ҳисобланди. Кейинчалик эса улар Л. Берия бошчилигидаги муассаса томонидан мамлакатда эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган махсус кўчирилган халқларга айлантирилди. 1937

¹ Бугай Н. Ф. 20—40-е годы: депортация населения с территории Европейской России//Отечественная история. 1992. № 4. С. 37.

² Земсков В. Н. Спецпереселенцы//Социологические исследования. 1990. № 11. С. 4.

³ Отечественная история. 1992. № 4. С. 43.

йилда Ўрта Осиё ва Қozoғистонга 170000 корейс миллатига мансуб аҳоли кўчириб келтирилди⁴.

Чегара районларида яшовчи халқлар — финлар, поляклар, курдлар, корейслар, кейинчалик эса месхети-турклар, ҳамшаллар давлатнинг сиёсий манфаатларини кўзлаб, яъни «чегаралар хавфсизлигини таъминлаш» мақсадида мамлакатнинг бошқа ҳудудларига депортация қилинди.

Собиқ Иттифоқда Иккинчи Жаҳон уруши йиллари бир қатор халқларга нисбатан адолатсиз, камситувчи ва репрессив ҳаракатларининг қўлланилиши билан нишонланди.

Иттифоқ Олий Кенгаши Президиумининг 1941 йил 28 августдаги фармонида кўра, Волга бўйи районларида истиқомат қилувчи немислар, бир оз кейинроқ эса бошқа ҳудудларда яшовчи немислар асосан, Сибирь Қozoғистон, Олтой ўлкаси ҳудудларига кўчирилди. 1941 йил 15 октябрга қадар кўчирилган немис аҳолиси 749613 кишини ташкил этди⁵. 1941 йил 7 сентябрдаги фармонига асосан Волга бўйидаги немисларнинг Автоном Республикаси тугатилди. Уларга бу халқлар орасида ўн минглаб диверсантлар ва жосуслар бор бўлиб, Германиянинг ишораси билан Волга бўйи районларида қўпоровчилик ишларини олиб бориши мумкинлиги тўғрисидаги айблар қўйилди. Бу асоссиз ва конституцияга зид айбловлар эди.

Немислардан ташқари, поляклар ҳам депортацияга дучор қилинди. Шўролар ҳукумати томонидан поляк фуқароларини Россиянинг жанубий қисмига ҳамда Ўрта Осиё ва Қozoғистон ҳудудларига ташкилий равишда кўчириш ва жойлаштиришнинг шोшилинч тадбирлари нишлаб чиқилди. 1941 йил 1 октябрдан собиқ Иттифоқ Ички Ишлар Халқ комиссарлиги кўрсатмасига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудига дастлаб 100000 нафар поляк фуқароларини жойлаштириш кўзда тутилган эди⁶.

Иттифоқ Олий Кенгаши Президиумининг 1943 йил 28 декабрдаги фармони ва собиқ Иттифоқ ХКСнинг қарорига кўра, қалмоқ миллатига мансуб аҳоли ўзларининг доимий ва вақтинча яшаб турган манзилларидан мамлакатнинг шарқий ҳудудларига кўчирилди ва Қалмоқ Автоном Республикаси тугатилди. 26359 қалмоқ оиласи (93139 киши) Олтой ва Красноярск ўлкалари ҳамда Омск, Новосибирск областларига кўчирилди.

Ана шундай тарзда бошқа халқлар 1943 йил ноябрида — 68327 қорачойлар, 1944 йил февралда 496460 чечен ва ингушлар, 1944 йил мартда 37406 балқарлар, 1944 йил майда 183155 Қрим татарлари, 12422 болгарлар, 15040 греклар, 9621 арман, 3652 бошқа давлат фуқаролари кўчирилди⁷. 1944 йил ноябрида турклар, ҳамшаллар, курдлар кўчирилди. Шу ўринда айтиш лозимки, Шимолий Кавказда яшовчи

⁴ Ким П. Г. Корейцы Республики Узбекистан: История и современность. Ташкент. 1993. С. 6.

⁵ Бугай Н. Ф. 20—40-е годы: трагедия народа//Восток. 1992. № 2. С. 124.

⁶ Парсаданова В. С. Депортация населения из Западной Украины и Западной Белоруссии в 1939—1941 гг.//Новая и новейшая история. 1989. № 2. С. 42.

⁷ Наше отечество. Часть вторая. М., 1991. С. 426.

қорачойлар, чеченлар, ингушлар, балқарлар тўлигича кўчирилди, яъни оммавий этник депортацияга дучор қилинди. Улар асосан, Қозоғистон ва Қирғизистонга, қрим татарлар эса Ўзбекистонга депортация қилинди. Чечен, ингуш, балқар, қорачой, қрим татарлари, қалмоқ халқлари айрим вакилларининг жиноий хатти-ҳаракатлари ўрин тутганлиги, немис босқинчилари билан ҳамкорлик қилганлиги ва ҳукуматга қарши кураш олиб борганликлари сабабли бу халқлар мажбурий равишда депортацияга дучор қилинди. Аммо шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим халқ вакилларининг хоинлиги туфайли бутун бир халқ хиёнаткор бўлиши мумкин эмас. Бу сталинизм давридаги энг шафқатсиз репрессив операцияларидан бири, келажак учун мудҳиш аломатлардан бири эди. Жамоатчилик олдида бундай ҳаракатни оғир уруш шароитлари талабларидан бири деб изоҳланганда ҳам, уни оқлаб бўлмайди.

Депортацияга бевосита алоқаси бўлмаган баъзи бир халқлар ҳам қисман ёки кўчирилган халқларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида кўчирилди. Руслар, грузинлар, осетинлар, қабардинлар, аварлар, лакслар ва бошқалар кўп ҳолларда ўз хоҳишларига зид равишда қаровсиз қолган ерларга кўчирилди. Бундан ташқари оммавий депортация вақтида кўчирилганлар орасига адашиб тушиб қолганлар ҳам бўлган. Шу ўринда қуйидаги фактни келтириш мумкин. Шимолий Кавказ, Қрим ва бошқа ҳудудлардан депортация қилинган аҳоли гуруҳларига тегишли бўлмаган 1721 киши — немислар билан бирга кўчирилган, Қримдан 3628 киши, Шимолий Кавказдан 3219 киши, Грузия Республикасидан 26044 киши депортация қилинган⁸. Улар орасида руслар, латинлар, литва, эстон, австриялик, яҳудий, украин, озарбайжонлар, арманлар, араблар ва бошқа миллатларга мансуб кишилар ҳам бўлган. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, 1930—1940 йилларда собиқ Иттифоқда яшовчи 58 та халқ ва аҳоли гуруҳлари депортацияга дучор қилинди, уларнинг умумий сони 2350000 кишини ташкил этди.

Шуниси диққатга сазоворки, уруш тугагач, бундай жараёнларни асословчи сабаб ва баҳоналар ўз аҳамиятини йўқотиб бўлгандан кейин ҳам, мажбурий кўчиришлар репрессив тарзда бир оз сусайган ҳолда бўлса-да давом этди.

Урушнинг сўнгги йилларида ва урушдан кейинги йилларда, айниқса, Болтиқ бўйи ва Ғарбий Украина аҳолисини оммавий равишда кўчириш кенг қўлланилди. Мавжуд бўлган маълумотларга кўра, урушдан кейинги йилларда депортация қилинганларнинг умумий сони тахминан 400000 кишини ташкил этади. Тарихий адабиётларда келтирилишича, собиқ Иттифоқда 1920 йилдан 1950 йилларнинг ўрталаригача ички депортацияга дучор қилинганларнинг умумий сони 6 млн. ни ташкил этади⁹.

Мавжуд бўлган материаллар таҳлили 1930—1931 йиллар ва 1941—1942 йилларда мамлакат ичкарисидagi депортация жараёнларининг

⁸ Бугай Н. Ф. Уша асар. 1992. 2-сон. 122-бет.

⁹ Миграционная ситуация в странах СНГ. М., 1999. С. 271.

жадаллик билан авжга чиққанлигини кўрсатади. Бу даврларда собиқ Иттифоқ аслида уруш ҳолатида бўлган, яъни биринчидан, ўз деҳқонларига қарши эълон қилинмаган фуқаролар урушини, иккинчидан, ташқи босқинчиларга қарши уруш олиб борган. Яна шунини айтиш лозимки, халқларни этник («жазоланган халқлар», «чегараларни тозалаш») ва ижтимоий («қулоқларни кўчириш») белгиларига қараб депортация қилиш собиқ Иттифоқ учун характерли бўлган репрессив кўчиришларнинг энг оммавий типларидан бўлган эди.

Депортация жараёнларига умумий тавсиф берар эканмиз, шу ўринда Сталин қатағонлари даврида Урта Осиё мажбурий кўчирилган халқлар жойлаштирилган ҳудудлардан бирига айлантирилганлигини айтиш жондир.

Урта Осиё ҳудуди рус империяси даврида доимо ишончсиз, шубҳали шахсларни сургун қилиш жойи сифатида фойдаланилган. Тоталитар ҳокимият ҳам бу анъанани давом эттириб, мазкур ҳудудга «ғуноҳдор» халқларни кўчириш сиёсатини қўлади. Агар рақамларга мурожаат қилсак, 1937 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистонга 16307 корейс oilаси (74000 киши) кўчириб келтирилди¹⁰. Собиқ Иттифоқ Давлат Хавфсизлик Министрлиги 9-бошқармасининг 1953 йил 1 январгача бўлган маълумотига кўра, Ўзбекистонда махсус кўчирилганлар сони 188689 кишини ташкил этди. Жумладан, Қримдан кўчирилганлар—133731, Грузиядан 1944 йилда кўчирилганлар—13867, немислар—8366, Шимолий Кавказдан кўчирилганлар—1590, қалмоқлар—808, «власовчилар»—317.

Молдавиядан 1949 йилда кўчирилганлар—10 кишини ташкил этди. 1952 йил 1 июлгача Ўзбекистонда 186301 киши махсус кўчирилганлар сифатида қайд қилинган. Шулардан Андижон вилоятида—21395, Бухоро—7307, Қашқадарё—6800, Наманган—11960, Самарқанд—45246, Сурхондарё—142, Тошкент вилоятида—62356, Фарғона—29967, Хоразм—82 ва Қорақалпоғистонда—1046 киши қайд қилинган¹¹. Бу рақамлар бизнинг юқорида айтилган фикримизни тасдиқлайди.

1930—1950 йилларда давлат ҳокимияти органларининг кўплаб халқларни доимий истиқомат жойларидан зўравонлик билан кўчириши натижасида, бу халқлар муҳтожлик ва қийинчиликларга гирифтор этилган бўлса, улар жойлаштирилган ҳудудларда ҳам оғир вазият вужудга келган эди. Айниқса, уруш шароитларида аҳолини озиқ-овқат ва энг зарурий нарсалар билан таъминлаш катта муаммоларни келтириб чиқарган эди. Чекланган миқдорда етказилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари кўп ҳолатларда ҳар хил сабабларга кўра белгиланган жойларга етиб келмаган, талон-тарож қилинган. Махсус кўчирилганлар кўп ҳолатларда маҳаллий аҳоли уйларига «зичлаштириб» жойлаштирилган. Бу кўпинча антисанитария ҳолатларини келтириб чиқарган. Маҳаллий аҳоли ҳам бу қийин ва ноқулай шароитларни

¹⁰ УзР МДА. 837-фонд, 32-рўйхат, 593-иш, 139-варақ.

¹¹ Земская В. Н. Заключение, спецпоселенцы, ссыльнопоселенцы, ссыльные и высланные (Статистико-географический аспект)//История СССР. 1991. № 5. С. 162.

